

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ 20 МАЙ КУНИ АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА БАРПО ЭТИЛГАН АДИБЛАР ХИЁБОНИГА ТАШРИФ БУЮРДИ.



НУҚУҚ

1997-йил 27-avgustdan chiqq boshlagan

www.huquq.uz

2020-Ҳ. 21-МАЙ, №20 (1217)



Гўдакнинг ҳаққига ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ!

**АЁЛ КИШИГА ЁЛҒИЗ БОШИ БИЛАН УЧ БОЛАНИ БОҚИШ
ОСОН ЭМАС. ШУ САБАБ ЁРДАМ СЎРАБ БОРДИ, АММО...**

4-5 БЕТЛАР



**... 25 НАФАР ХОДИМ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА
ТОРТИЛГАН.**

4-БЕТ



**... КАРАНТИН ПАЙТИДА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИНИ
МАИШАТ МАСКАНИГА АЙЛАНТИРГАНЛАР.**

11-БЕТ

ТАЛАБ БЕКОР ҚИЛИНДИ

Хабарингиз бор, карантин даврида фуқаролар учун янада қўлай шароитлар яратиш мақсадида Республика махсус комиссияси томонидан хорижий таъжриба ўрганилган ҳолда жорий йилнинг 18 май кунидан Тошкент шаҳридан Нукус, Урганч, Термиз шаҳарларига авиақатновлар (бориш ва қайтиш) ҳамда Тошкент шаҳридан Навоий, Бухоро, Қарши шаҳарларига "Афросиёб" тезювар поёзди ҳамда Фаргона водийсига темир йўл қатнови (бориш ва қайтиш) учун коронавирус инфекциясига тест топшириш талаби белгиланган эди.

■ Карантин шароитида аҳолининг иқтисодий ҳолатини эътиборга олиб, шунингдек, ҳаракатланиш вақтида йўловчиларнинг ижтимоий масофа сақлашига шароит мавжудлигини назарда тутиб, қолаверса, фуқароларнинг ҳудудлараро ҳаракатланишида ортқича ноқулайликлар юзага келишининг олдини олиш мақсадида Республика махсус комиссияси томонидан ушбу талаб бекор қилинди.

■ Эндиликда юқорида кўрсатилган рейслар бўйича ҳаракатланаётган йўловчилардан коронавирус инфекциясига тест таҳлиллари олинганлиги ҳақидаги маълумотнома талаб этилмайди.

■ Шу билан бирга, авиа ва темир йўл қатновларини ташкил этишда барча карантин қоидаларига амал қилиш, шу жумладан, йўловчилар сонини камайтириш, дезинфекция қилиш ва бошқа санитария талаблари сўзсиз бажарилиши талаб этилади.



2020 йил 20 май
соат 19:00 ҳолатига



Касалланганлар
2927 нафар



Соғайганлар
2366 нафар



Вафот этганлар
13 нафар

КУЧ БИРЛИКДА

2020 йил 27-28 апрель кунлари республикаимизнинг қатор вилоятлари, айрим туман ва шаҳарларда кучли шамол бўлиб, ёмғир ёғди. Бу табиий офат айниқса Бухоро вилоятига сезиларли таъсир ўтказди.

Бугунги кунда барча соҳа вакиллари офатнинг оқибатларини бартараф этишда бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмоқда. Хусусан, Бухоро вилояти Қорақўл ва Олот туманларидаги кўп қаватли турар жойлар, ҳовлилар, турли бинолардаги шикастларни бартараф этишга ёрдамлашиш учун Мудофаа вазирлиги қўшинларининг ҳарбий хизматчилари жалб қилинган.

Бу тадбирларга барча куч ва воситалар сафарбар этилган. Ҳарбий прокуратура органлари ҳам ҳарбий хизматчиларнинг хавфсизлик қондаларига риоя этишини таъминлаган ҳолда табиий офатдан зиён кўрган фуқароларимизни қўллаб-қувватлаш борасида фаоллик кўрсатмоқда.

Сарвар МУХИТДИНОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари

NAZORAT

БОҒ ВА УЗУМЗОРЛАР ОРАЛАБ...

Бутун сайёрага тарқалган коронавирус пандемияси ортидан дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари етишмовчилиги хавфи пайдо бўлди. Ана шундай шароитда қишлоқ хўжалигидаги ресурслардан тўлиқ фойдаланиш, экинларни икки баробар кўпайтириш борасида замонавий ёндашувларни жорий этиш талаб қилинмоқда.

Прокуратура органлари томонидан эрдан тўғри фойдаланиш ҳамда асосий майдон, боғ ва ток орасига экинлар тўлиқ экилиши орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида назорат тадбирлари ўтказиб боришмоқда. Хусусан, Қўрай туманидаги 24486 гектар қишлоқ хўжалик ерларининг 10961 гектари сувли ерлар, 3293 гектари боғ, 549 гектари узумзор ҳамда 64 гектари кўчатзорлардир, тушроқ сифатининг бонитети ўртача 66,2 баллга тенг.

Ўрганишларда айрим хўжаликлар режадаги экинни умуман элмагани ёки ўрнига бошқа экинларни экаётгани аниқланди. Хусусан, тумандаги 41 та фермер хўжалиги ва бошқа корхоналар жами 148,7 гектар ерга режадаги экинни экмасдан, эрдан самарасиз фойдаланиб келасгани маълум бўлди.

Шунингдек, 24 та хўжалик боғ ва ток орасига сабзавот экиш имкони бўлса-да, 134 гектар майдонга экин элмаган. 10 та хўжалик 128,3 гектар боғ ва токзорини

қаровсиз қолдирган.

Бундан ташқари озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура ва масъул идоралар томонидан тумандаги сабзавотчилик хўжаликларининг фаолияти ўрганилди.

128,3 гектар боғ ва токзорлар қаровсиз қолдирилган.

Ўрганиш жараёнида республика ишчи гуруҳи томонидан 2269 гектар ерга сабзавот, 180 гектар ерга картошка ва 45 гектар ерга полиз экинлари экилиши таъминланди.

Назорат тадбирлари натижасига кўра 25 нафар мансабдор қонун бузилишига йўл қўймаслик тўғрисида огоҳлантирилди.

Нуриддин УРУНБАЕВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори



FAOLIYAT

МЎЙНОҚ «НАФАС» ОЛА БОШЛАДИ

Мўйноқ тумани аҳолиси асосан балиқчилик ва чорвачилик билан шуғулланган. Орол денгизи сувининг қайтиши натижасида овланадиган балиқ турлари ҳамда миқдори кескин камайгани сабабли балиқчилик тармоғи сусайган. Бугунги кунда туман балиқчилик, чорвачилик ва туризмга ихтисослаштирилган бўлиб, ушбу соҳаларни ривожлантириш борасида бир қатор ишлар қилинмоқда.

Жумладан, давлатимиз раҳбари 2018 йил 15-16 ноябрь кунлари Қорақалпоғистонга ташрифи давомида Мўйноқ туманини комплекс тарзда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича бир қанча топшириқлар берди.

Шу асосда мутасадди вазирлик ва идоралар, ташкилотлар томонидан Мўйноқ тумани хар томонлама ўрганилиб, дастурлар ишлаб чиқилди ва 2019 йил 16 январь куни Вазирлар Маҳкамасининг «Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Қарорда 2019-2021 йиллар мобайнида таълим соҳаси инфратузилмасини, соғлиқни сақлаш соҳасини, табиий газ таъминотини яхшилаш, спорт иншоотларини қуриш, маданият ва истиҳорат боғи барпо этиш, йўлларни таъмирлаш, электр таъминоти тизимини реконструкция ва модернизация қилиш, ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, шаҳареозлик, ёшлар масалалари, туризм соҳасини, қишлоқ хўжалиги, ирригация, мелiorация, геология ва экология тармоқларини, ичимлик суви ва оқова сув тармоқларини ривожлантириш бўйича 1 трлн. 485 млрд. сўм

лик чора-тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Бугунги кунда 62 та объектнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари якунланиб, фойдаланишга топширилган. Ҳозир 37 та объектда ишлар давом эттирилмоқда.

Биргина мактабгача таълим соҳасида амалга оширилган ишларга назар ташласак, ўтган йили «Қазақлар» ҚФЙдаги 9-мактабгача таълим муассасаси 2 млрд. 796 млн. сўмга реконструкция қилиниб, «Маделли» ҚФЙ, Порлитау овули ва «Мўйноқ» МФЙда давлат ва хусусий шериклик асосида 4 млрд. 507 млн. сўмлик иккита мактабгача таълим муассасаси ташкил этилди. Уларнинг хар бири 50 ўринли. Ҳозир «Жайхун» МФЙ ҳудудида 60 ўринли, «Орол» МФЙда 100 ўринли болалар боғчаси қурилмоқда.

Тумандаги 1-мактабда 240 ўринли қўшимча ўқув биноси қурилди, 4, 7, 9, 12, 18, 11, 14-мактаблар ҳамда туман халқ таълими бўлими биноси янгидан қурилиб, замонавий жиҳозлар билан таъминланди.

Бугунги кунда туман марказида 315 ўқувчига мўлжалланган инновацион мактабнинг қурилиши давом этмоқда.

Абу МЕНГЛИКУЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлигининг ўринбосари

SHARH

ҲИБСГА ОЛИШ ЖАРАЁНИ ВИДЕОГА МУҲРЛАНАДИ

Мамлакатимизда инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Уларни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида прокуратура органлари муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш учун қонун ҳужжатлари мунтазам такомиллаштириляпти. Хусусан, Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси асосида ишлаб чиқилган «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари янада кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун билан жиноят процессида вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари кафолатлари кучайтирилган эди.

2020 йилнинг 14 май куни Давлат раҳбари «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида иштирок этувчи фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишни кучайтиришга қаратилган ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонунни имзолади. Мазкур қонун ҳам бевосита Бош прокурор ташаббуси билан ишлаб чиқилган. Қонун билан Жиноят-процессуал кодексига жиноят процессида инсон ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган бир қатор нормалар киритилди.

Эндиликда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар шахсга нисбатан ушлаб туриш, қамоққа олиш, уй қамоғи ёки экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий му-

ассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбуриятларни қўллангани ҳамда унинг ушлаб турилган жойи тўғрисида оила аъзоларини ёхуд бошқа яқин кишиларини дарҳол хабардор қилишга мажбурдирлар. Илгари ушбу мажбурият ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судлар томонидан 24 соат ичида амалга оширилган эди.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 91-моддасига мувофиқ ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтув, кўрсатувларни ҳодиса жойида текшириш, тергов эксперименти тарзидаги процессуал ҳаракатлар видеоёзув воситаларидан фойдаланган ҳолда қайд этилиши шарт бўлган. Эндиликда ушбу процессуал ҳаракатлар қаторига шахсни ушлаш, ушлаш жараёнида ўтказиладиган шахсий тинтув ва олиб қўйиш ҳаракатлари ҳам қўшилди.

Шахс видеоёзув воситаларини қўллаш имконини бермайдиган турли вазиятларда ушланиши мумкинлиги инobatга олиниб, кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда шахсни ушлаш, шахсий тинтув ва олиб қўйишни видеоёзув орқали қайд этмасдан ўтказишга йўл қўйилиши белгиланди. Бундай ҳолларда ушланган шахснинг ҳуқуқлари у ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган биносига

олиб келинганидан сўнг видеоёзувга қайд қилган ҳолда тушунтирилиши шартлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Бироқ амалиётда шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг биносига ушлаш олдиндан режалаштирилишини инobatга олиб, қонунда шахсни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар биносига видеоёзув орқали қайд этмасдан туриб ушлашга йўл қўйилмаслиги кўрсатилган. Қонунда ушланган шахснинг ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида унга ушлаш жараёни қайд этилган видеоёзув намоиши қилиниши шартлиги белгиланди.

Янги қонунга кўра бундан буён ҳимоячидан воз кечиш жараёни ҳам видеоёзув орқали қайд этилади. Бунда ҳимоячининг ҳимоясидаги шахс билан холи учрашиши видеоёзув орқали қайд этилишига йўл қўйилмаслигига оид норма мустаҳкамланди. Ушбу қондалар гумонланувчи, айбланувчи, судланувчининг ҳимоячидан воз кечиши билан боғлиқ муаммоларни бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини янада кучайтиришга хизмат қилади.

Сардор ТОШНИЁЗОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

2

21-MAY 2020-Y.
HURUG N° 20
(1217)

Халқаро валюта фонди бошқарувчи директори Кристилина Георгиева Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга мактуб йўллади.

ИСЛОҲОТЛАР ФАҚАТ ҚОРИН ТҮЙДИРИШ УЧУН ЭМАС

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотлар натижасида сўнгги йилларда маҳсулот етиштириш миқдори ҳамда фермерлар ва агроташкилотлар даромадини ошганини кузатиш мумкин.

Биргина ғаллачилик соҳасини оладиган бўлсақ, Навоий вилоятидаги фермер хўжаликлари ўтган йили 115 минг тонна бугдоя етиштириб, деярли барча хўжаликлар давлатга дон етказиб бериш шартномасини ортиги билан бажарди.

Бу йил вилоятда 38 минг гектар ерга ғалла экилган. Об-ҳавонинг мураккаб келаётгани ғалла парваришига, айниқса ҳосил тақдирини ҳал бўладиган май ойида ўта жиддий ёндашишни тақозо этди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ғаллани парваришда қўлланиётган тадбирлар мутахассисларнинг тавсияларига асосан катъий жадвал асосида олиб борилаётгани ҳамда агротехник тадбирлар ўз вақтида ва сифатли бажарилаётгани вилоят прокуратураси органлари томонидан доимий равишда ўрганилиб, камчиликларни бартараф этиш чоралари кўриб келинмоқда.

Топширикларни лозим даражада бажармасдан, агротехник тадбирларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминламаган «Агрокомхўжалик» АЖ ва қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2 нафар мансабдори интизомий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари, қонун бузилишини бартараф этиш ҳақида ваколатли органга тақдимнома киритилиб, 4 нафар шахсга маъмурий ва 3 нафар шахсга нисбатан интизомий иш қўзғатилди ҳамда 53 нафар шахс қонунбузарликка йўл қўймаслиги ҳусусида расман огоҳлантирилди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз томонидан пахтачилик ҳам ислохот келинмоқда. Навоий вилоятида, мана икки йилдики, пахта тўлик кластер тизими асосида етиштириб келинмоқда. Бу йил ҳам фермер хўжаликлари ва кластер корхоналари ўртасида тузилган шартномаларга мувофиқ вилоятдаги 32,5 минг гектар ерга чигит экилган.

Давлатимиз раҳбари 10 апрель куни пахтачилик ва ғаллачиликда кластер тизimini ривожлантириш, агротехник инжиниринг самарали ташкил қилиб, ҳосилдорликни ошириш масалалари бўйича ўтказган видеоселектор йиғилишида бугунги кунда дунёда қишлоқ хўжалиги соҳасида рўй бераётган ҳолатларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Коронавирус пандемияси инсонлар ҳаётига ҳавф солаётган ҳозирги вазиятда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бирига айланмоқда.

Навоий вилоятида ҳам ердан оқилона фойдаланиш, мева, сабзавот ва полиз экинлари ҳосилдорлигини икки баравар ошириш бўйича юқори натижаларга эришиляпти. Хусусан, 4762 гектар бог ва 3469 гектар тоқлар орасидаги 1818 гектар ер, 2466 гектар очик майдон, 1183 гектар тутзор орасидаги майдон ҳамда 397 гектар дала четларида аҳоли кўп истеъмол қиладиган сабзавотлар экилиши таъминланди.

Ҳозир вилоятдаги 1262 та чорвачилик субъектининг 787 таси қўйчилик, 197 таси балиқчилик, 124 таси қорамолчилик, 53 таси паррандачилик, 43 таси туячилик, 34 таси эчкичилик, 12 таси йилкичилик, 10 таси асаларчилик ва 2 таси қуёнчилик йўналишида фаолият юритмоқда.

Давлат раҳбари 2020 йил 14 апрелда ўтказган йиғилишидан кейин вилоят ҳокимининг қарори билан Қорақалпоғистон тажрибаси асосида вилоятда чорвачилик йўналишида 31 та оилавий кооперацияни ташкил қилиш белгиланди. Хусусан, Хатирчида оилавий чорвачилик хўжаликларига 120 та қорамол ва уларни боқиб учун 30 гектар ер ажратиб берилди. Шунингдек, вилоятда 16 та бўрдоқчилик комплекси ташкил этиш белгиланган. Уларнинг фаолияти йўлга қўйилгандан сўнг 1000 та қорамол боқиб имконияти пайдо бўлади. Шу билан бирга, вилоятда 16 та сутчилик комплекси ташкил этиш белгиланган. Қизилтепа туманида сутчилик йўналишида фаолият юритаётган «Зарматан зотдор» МЧЖдан 10 та хонадонга 30 та қорамол парвариш ва сут ишлаб чиқариш учун олиб берилди. Бундан ташқари, вилоятнинг 3 та туманида 4 та йирик паррандачилик хўжалиги томонидан 400 та хонадоннинг ҳар бирига 500 тадан жами 200 мингта парранда етказиб берилиши белгиланган.

649 гектар ер ўзбошимчилик билан эгалланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, кейинги йилларда аҳолининг ерга муносабати тубдан ўзгарди. Бирок ердан фойдаланиш бўйича вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳокимлик ва бошқа масъул идоралар билан ҳамкорликда ўтказилган мониторингларда 491 та ҳолатда 649 гектар ер ўзбошимчилик билан эгаллангани, 769 та ҳолатда 16 гектар ерда ноқонуний қурилишлар қилингани аниқланиб, ушбу ҳолатларни бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Жумладан, ҳозирга қадар 55,1 гектар ердаги ноқонуний қурилишларни буздириб бўйича сулларга даъво аризалари киритилди. Бугунги кунда ўзбошимчилик билан эгалланган 30,7 гектар ҳамда ноқонуний қурилиш қилинган 2,42 гектар ернинг ихтиёрий қайтарилишига эришилди.

Мазкур жараёнда ҳокимларнинг ер ажратиш ҳақидаги 39 та қарори прокуратуранинг протестига асосан бекор қилинди ҳамда қонунга мувофиқлаштирилди. Шунингдек сўғориладиган ерларнинг талон-торож қилинишига оид қонунбузилишлар юзасидан 7 та жиноят иши қўзғатилди.

Зафар ИРГАШЕВ,
Навоий вилояти прокурорининг ўринбосари



MUNOSABAT

ТАРАҚҚИЁТНИ КАДРЛАР БЕЛГИЛАЙДИ

Давлат тараққиётида, соҳалар ривожидида ҳуқуқий асоснинг аҳамияти катта. Биз бугун ҳуқуқий демократик жамиятни шакллантириш йўлидан борар эканмиз, мустақкам ҳуқуқий асосга, қонун устуворлигига, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга эҳтиёжимиз янада ошади.

Шу маънода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ушбу эҳтиёжни тўлақонли қондиришга хизмат қилиши аниқ.

Фармонда миллий юридик таълимнинг самарадорлиги нисбатан пастиликни қоллаётгани, бу юқори малакали ҳуқуқшуносларни тайёрлаш ва мамлакатда юридик фанни ривожлантиришга тўқтиниб қилаётган қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлиги билан изоҳланиши таъкидлаб ўтилган.

Дарҳақиқат, юридик кадрларни тайёрлаш соҳасида рақобатнинг мавжуд эмаслиги миллий юриспруденция илмий мактабининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, шунингдек, ҳудудлардаги иқтидорли ёшлар учун тенг таълим олиш имкониятини чекамолда.

Давлатимиз раҳбари имзолаган фармон мазкур муаммоларни бартараф этиш, юридик таълим ва фан тизimini тубдан такомиллаштириш, уларнинг халқаро таълим майдонидаги рақобатбардошлигини таъминлаш, юридик кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, шунингдек, Ўзбекистон олий таълим тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилади. Фармонга мувофиқ Самарқанд, Наманган ва Термиз давлат университетларида юридик факультетлар ташкил этилиб, юриспруденция йўналиши бўйича мутахассислар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Замонавий талаблар, илғор халқаро юридик тажриба ва меҳнат бозори эҳтиёжлари асосида юқори малакали, ижодий фикрлайдиган, ҳалол кадрлар тайёрлашни таъминлаш юридик таълим ва фанни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиланмоқда. Ўқитишнинг кредит-модуль ти-

зимини ва талабалар билимини баҳолаш усулларини такомиллаштириш, клиник юридик таълимни ривожлантириш йўли билан ўқув жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасида узвий алоқани таъминлаш, ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи таълим ва илмий муассасалари билан ҳамкорликни кучайтириш чоралари кўрилади. Фармонда хорижийнинг бир қатор олий ўқув юрлари билан ҳамкорлик қилиш параметрлари, бундан кўзланган мақсад ва қандай тадбирларни амалга ошириш зарурлиги аниқ кўрсатиб ўтилган.

Яна бир аҳамиятли жиҳати ТДЮУ қошидаги академик лицей, юридик техникумларда малакали юристлар тайёрлаш масаласига эътибор қаратилган. Унга мувофиқ университет қошидаги академик лицейнинг барча фанлар бўйича юқори натижаларга эга битирувчилари университетга тест синовларисиз, яқка тартибда суҳбат ўтказиш орқали, тўлов-контракт асосида, қабул параметрларидан ташқари кириш ҳуқуқига эга бўлади. Пойдевори маҳкам бино мустақкам бўлади дейдилар. Академик лицей ва техникумларда юридик кадрлар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилиб, ўқувчи ва талабаларга зарур билимлар берилиши уларнинг етуқ юристлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

Фармон билан Тошкент давлат юридик университети фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича йўл харитаси тасдиқланган. Шунингдек, коррупцияга қарши курашиш дастурини, ходимлар ва талаба (ўқувчи)ларнинг одоб-ахлоқ кодексини, ходимларни коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдир мақсадида мурожаат қилиш ҳолатлари ҳақида хабардор қилишнинг шаффоф тартибини тасдиқлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш бўйича комиссияни тузиш белгиланган.

Кадрлар тайёрлаш тизimini коррупциядан холи, шаффоф тарзда йўлга қўйилса, соҳага малакали кадрлар узлуқсиз кириб келаверади. Акс ҳолда эса малакали кадрлардан умидвор бўлиш қийин.

Мазкур фармонда белгиланган ҳар бир мақсад ва вазифа юридик таълим ва фан тизimini тубдан такомиллаштиришга, пировард натижада юридик соҳани ривожлантиришга, мамлакатнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий юксалишига хизмат қилади.

Аббор ГАННОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

УЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИГА МАСЪУЛМИЗ

Мамлакатимизда болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, баркамол ўсишини таъминлаш бўйича кўп ишлар қилинмоқда. Айниқса, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаёпти.

Сўнгги уч йилда бу тоифадаги болалар тарбияланган меҳрибонлик уйлари замонавий компьютерлар, интернет тармоғи, видеокузатув воситалари билан таъминланиб, ходимларнинг иш ҳақи ҳамда оилага тарбияга олинган ҳар бир бола учун тўланадиган нафақалар оширилди. Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оилада тарбиялашга кўмаклашиш учун тутинган ота-оналарни тайёрлаш курслари ташкил этилди.

Амалга оширилган кенг қўламли ишларга қарамай, прокуратура органлари ўтказган ўрганишда масъул идораларнинг ушбу масалага эътиборсизлиги оқибатида бу тоифадаги болаларни уй ва иш билан таъминлашдаги муаммолар тўлиқ ҳал этилмагани аниқланди. Хусусан, республика бўйича 2011-2019 йилларда жами 23

та муассасани тамомлаган 2480 нафар тарбияланувчидан 381 нафари уйга мухтож. Ваҳоланки, бугунги кунда ҳокимликларнинг балансида 15 238 та хонадондан иборат уй фонди мавжуд бўлиб, улардан фойдаланишда эътибор биринчи навбатда етим болаларни таъминлашга қаратилмаган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларининг туман ва шаҳар ҳокимликларида эса уйлари ҳисобга олиш ва тақсимлаш комиссиялари фаолияти йўлга қўйилмаган.

Таъкидлаш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги 164-қарори билан тасдиқланган «Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги низома тарбияланувчилар учун бўш уй-

лар бўлмаганда ҳокимликлар тураржой сотиб олиш учун пул ажратиши қайд этилган.

Бундан ташқари, етимларга ажратилган турар жойлар ва улардан фойдаланиш аҳволи ҳам талаб даражасида эмас. Хусусан, уларнинг 147 таси жорий, 15 таси капитал таъмирга мухтож бўлса, 1 таси япаш учун мутлақ яроқсиз ҳолатда. Ёки 10 таси белгиланган ижтимоий нормага риоя қилинмаган ҳолда, 11 таси эса 136 млн. сўмлик коммунал қарзи билан ажратилган.

Шунингдек, прокуратура органлари томонидан 8 нафар етим боланинг мулк ҳуқуқларини суд орқали тиклаш чоралари кўрилди. Жумладан, тарбияланувчи М.Битқуловнинг отаси номидagi уйга мерос улушини белгилаш ҳақида судга даъво аризаси киритилди.

Бош прокуратура ахбороти бўйича битирувчилардан 96 нафарига турар жой ажратилди.

Назорат тадбирларида муассасалар битирувчиларининг бандлигини таъминлаш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилгани маълум бўлди. Чунинчи, 2011-2019 йилларда муассасаларни тамомлаган тарбияланувчилардан 712 нафари ишсиз бўлса, атиги 148 (6 фоизи) нафари олий ўқув юртига ўқишга кирган. 243 нафар битирувчи ишлаш ёки бошқа мақсадда хорихга чиқиб кетган.

Қайд этилган муаммолар тарбияланувчилар қонунбузарлик содир этишига шартли яратган. Сўнгги 9 йилда тарбияланувчиларнинг 99 нафари жиноятга қўл урган. Мисол учун, меҳрибонлик уйини 2017 йилда тамомлаган Ш.Саидов турар жой ва иш билан таъминланмагани сабабли қаровсиз қолган. Турли қурилиш объектларида яшаб юриб, оқибатда наркотик модда олди-сотдиси билан шуғулланган. Яна бир ҳолат, меҳрибонлик уйини 2019 йилда битирган Г.Эрнепесова 2020 йилнинг 22 январь куни ўзи билан яшаётган ўғай укаси А.Эрнепесовни

ёстиқ билан бўғиб ўлдирган. Бу даврда муассаса битирувчилари 201 та маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этган.

Айни пайтда муассасаларнинг 25 нафар ходими ҳам жиноий жавобгарликка тортилган. Масалан, Маргилон шаҳридаги 1-меҳрибонлик уйи директори К.Якубов ва бошқалар тарбияланувчиларни қийнаш, уларга нисбатан бузуқ ҳаракатлар қилиш ҳамда жуда кўп миқдордаги бюджет маблағини ўзлаштириш жиноятларини содир этгани учун суд ҳукми билан жазоланган.

Ўрганиш натижасига кўра ноқонуний ҳужжатларга нисбатан 12 та протест келтирилиб, 77 та тақдимома киритилди, 10 нафар шахс интизомий ва маъмурий жавобгарликка тортилди, 8 нафар тарбияланувчининг манфаатини кўзлаб судга даъво аризаси киритилди,

23 нафарининг ишга жойлаштирилиши таъминланди.

Бундан ташқари, Бош прокуратура томонидан 2019 йил сентябрда ҳам ушбу масала таҳлили бўйича ҳукуматга киритилган ахборот бўйича битирувчилардан 96 нафарига турар жой ажратилишига эришилган. Жумладан, Нукус шаҳар ҳокимлиги 2016 йилда меҳрибонлик уйдан бўшатишга А.Сулаймановни уй билан таъминлаш чорасини кўрмагани аниқланиб, прокуратура аралашуви билан уйга жойлаштирилди. Шу каби Китоб туманидаги 5-меҳрибонлик уйи битирувчиси Т.Қўлдошевни ҳам турар жой билан таъминлашга эришилган.

Шу билан бирга, ўрганишда аниқланган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқилди.

Муродулла ТУРСУНМЕТОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори



MULOHAZA

ГЎДАКНИНГ ҲАҚҚИГА

Дугонам Малоҳат икки қиздан сўнг ўғил фарзандли бўлди. Ўша куни сафарга чиққан турмуш ўртоғи хушхабарни эшитиб, дарҳол ортига қайтмоқчи бўлди. Малоҳатнинг «Шошилманг, эрта-индин қайтарсиз. Ишларингизни битказинг, ўзи бугун тонгда етиб борган бўлсангиз» деган гапларига ҳам қулоқ солмади. Аксига олиб шу куни тинмай ёмғир ёғарди. Машинани тез ҳайдаб келаётган Элбек ноғохон бошқарувни йўқотди ва...

Аввалига бўлган воқеани Малоҳатга айтишмади. Янги меҳмонга катталар Ёдгор деб исм қўйишди. Турмуш ўртоғининг оламдан ўтганини эшитган Малоҳат дунёга сизмай қолди. У ҳеч ким билан гаплашмас, бир нуктага тикилиб, ўтган кунларини эсларди. Фарзанд доғида куйган кайнонаси келинининг ҳолатидан багтар эзиларди. Кунлар ойларга, ойлар йилларга улашиб, Малоҳатнинг дардига ҳам вақт даво бўлди. У барчасига кўникди.

Уч фарзандни тарбиялаш, уларни ҳеч кимдан кам қилмай улайтириш Малоҳатга оғирлик қила бошлади. Ишлаб топган пули томоғидан ортмасди. Болалар ҳам,

уларнинг орзу-хаваси ҳам улғайиб борарди. Оиланинг ёлғиз боқувчиси бўлган дугонам билан уч фарзандига нафақа олиш мақсадида маҳаллага мурожаат қилдик. Ўзи аслида маҳалламизда камбағал, болалар нафақасини оладиган оилалар бармоқ билан санарли. Шунинг учун ҳам мурожаатимиз тез кунларда ҳал бўлади деган умидда эдик. Аммо...

Малоҳат билан раиснинг олдига кирганимизда унинг «Ҳеч қандай муаммо йўқ. Ўзи сиз нафақа олсангиз яхши бўларди. Ҳар ҳолда боқувчиси йўқ, ёлғиз онасиз деган тақлиф билан бормоқчи бўлиб турганим. Яхшиям ўзингиз келибсиз. Ҳозир котибим таятдида

эди. Эртага эрталаб келсангиз ҳеч қандай муаммосиз ишингиз ҳал бўлади. Олиб келган ҳужжатларингизни ўзим эрталаб котибга бериб қўяман» деган гапларидан дугонаман кам суюнмадим.

Якшанба куни ўғлим билан бозор-ўчар қилиб, дугонамни йўқлаб бордим. Ҳовлида ўйнаб юрган болаларни кўриб, завқим ошди. Улар қаторига ўғлим ҳам қўшилди. Ўзим эса охинонада куймаланаётган дугонамнинг ёнига ўтдим.

— Эҳ, дугонажон, ҳаёт мен ўйлаганчалик осон эмас экан. Тўғриси, Элбек акамсиз қийналиб кетдим. Рўзгоринг кам, фарзандлар тарбияси елкамга оғирлик қилапти. Тунов куни Маржона оёқкийим йиртилгани учун боғчага бормайман деб жанжал қилса, Мубина янги қўйлак олиб бермасангиз мен ҳам боғчага бормайман деб хархаша қилди. Ўша пайти аҳволимни кўрсанг эди. Нима қилишни, қаердан пул топишни билмай бошим қотди. Бу ёғи сендан олган қарзимни қачон қайтараман экан деб сиклиб кетдим.

— Бу нима деганинг, мен сенга қарзга пул берганим

МУСИҚА МАКТАБЛАРИДА АҲВОЛ ҚАНДАЙ?



«Бекорчидан худо безор» дейди доно халқимиз. Вояга етмаганлар турли ножўя йўлларга кириб қолмаслиги учун уларни тўғаракларга жалб қилиш, бўш вақтини мазмунли ўтказиш чораларини кўриш керак.

Таъкидлаш жоизки, кейинги уч йилда мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш бўйича 40 дан ортиқ меъёрий ҳужжат қабул қилинди. 70 га яқин меъёрий ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Қонунчиликдаги бу ўзгаришлар ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларнинг баркамол бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади.

Карантин вақтида ёшларимизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича республикамизда бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Маданият вазирлиги тасарруфида 312 та болалар муסיқа ва санъат мактаби, 22 та ихтисослаштирилган маданият ва санъат мактаби ҳамда мактаб-интернатлар, 3 та академик лицей фаолият кўрсатиб, уларда 91913 нафар ёшлар 14 та йўналиш бўйича муסיқа ва санъат сирларини ўрганмоқда.

Прокуратура органлари томонидан Маданият вазирлиги тизимидаги болалар муסיқа ва санъат мактабларида ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича қилинаётган ишлар ўрганилди. Унда таълим муассасаларида амалга оширилган ишлар билан бирга кадрлар билан таъминлаш, моддий-техник базадан самарали фойдаланишида бир қатор ҳаёт ва камчиликларга йўл қўйилгани аниқланди.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги «Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ижросига етарли эътибор қаратилмагани оқибатида республикадаги муסיқа ва санъат мактабларининг 6531 нафар (51,8 фоиз) ходимининг малакаси сўнгги 5 йилдан буён оширилмагани маълум бўлди. Шунингдек, айни вақтда муסיқа ва санъат мактабларида 604 нафар олий маълумотли ўқитувчи ва концертмейстерга эҳтиёж мавжуд.

Муסיқа ва санъат мактабларида 862 нафар олий ва 236 нафар ўрта махсус маълумотли номутохассис ходимлар педагогик фаолият юритишига йўл қўйилган. Мисол учун, фуқаро М.А. Андижон саноат коллежини 2012 йилда саноат маҳсулотларини лойиҳалаш ва безатиш мутахассислиги бўйича тамомлагани ҳақидаги сохта диплом асосида Андижон туманидаги 12-болалар муסיқа ва санъат мактабида 2012 йилдан буён ўқитувчи бўлиб ишлаб келган.

Таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш, уларни замонавий жиҳозлар, ўқув қўлланмалари ва муסיқа асбоблари билан таъминлаш борасидаги ишлар ҳам кўнгилдагидек эмас. Масалан, муסיқа ва санъат мактабларига 688 та компьютер тўплами, 540 та принтер, 266 та муסיқа

маркази, 214 тўплам овоз кучайтиргич, 148 та овоз оператори жиҳозлари етишмайди. Мактабларда 112 та электрон доска, 169 та ҳайкалтарошлик дастгоҳи, 137 тўплам ёғоч ўймакорлиги дастгоҳи, 121 тўплам электр кулол дастгоҳи, 4200 та дарслик ва 2149 та чолғуга эҳтиёж мавжуд.

Болаларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, умуминсоний ва миллий кадриятларни акс эттирувчи маданият билан таништириш мақсадида 312 та болалар муסיқа ва санъат мактабларининг ҳар бирида 14 тадан йўналиш ташкил этилиши кўзда тутилган бўлса-да, айрим мактабларда улар тўлиқ ташкил қилинма-

76, Пешкуда 77, Янгиқўрғонда 88 ва Когонда 94 фоиз.

Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 21 декабрдаги «Ота-оналар томонидан болаларнинг болалар муסיқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги қарори талабига кўра камбағал оила фарзандлари тўловдан озод этилиши белгиланган бўлса-да, Қўрғонтепа туманидаги 4-болалар муסיқа ва санъат мактабида 13 нафар ўқувчидан асоссиз равишда бадал пули ундириб келинган.

Юқоридagi ҳолатлар юзасидан прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб,

Муסיқа ва санъат мактабларида олий маълумотли ўқитувчи ва концертмейстерга эҳтиёж мавжуд.

ган. Мисол учун Шофирқон, Ғиждувон, Пешку, Жондор ва Қорақўл туманларида «театр санъати», Бухоро шаҳар, Бухоро, Когон ва Ромитан туманларида «халқ чолғулари» ва «академик хонандалик» йўналишлари йўқ.

Хонка, Урганч, Бухоро, Когон, Пешку ва Шофирқон туманларида дамли ва зарбли чолғулар, қонун, чанг, гитара, виолончель, аккордеон, қўшнаш ва танбур чолғулари бўйича мутахассис ўқитувчилар етишмаслиги боис ушбу йўналишларга ажратилган муסיқа асбобларидан фойдаланилмапти.

Республика бўйича болалар муסיқа ва санъат мактабларида ўқувчилар қамрови 182 фоизни ташкил этган бир пайтда, Термиз шаҳрида 46, Ромитанда

3 та жинойт иши кўзгатилади.

Фарзанд – улуг неъмат, шунинг баробарида Аллоҳ таолонинг омонати. Шундай экан, бу неъматга нафақат ота-она, балки унинг вояга етишига алоқадор бўлган ҳар бир шахс масъулдир. Яна шуни унутмаслик лозимки, ёшларимизнинг оилада, маҳалла, мактаб, лицей ва коллеждаги бўш вақтини мазмунли ташкил этиш келгусида давлатимиз ривожига ҳисса қўпишга қодир бўлган авлод шаклланишига хизмат қилиш билан бирга, турли салбий ҳолатларнинг олдини олади.

Абдуқоҳор МУЛЛАЖАНОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

ХИЁНАТ ҚИЛМАНГ!

йўқ. Мана шу жианларимизнинг қувончи учун ёрдам бердим ҳолос. Келаётган ҳафта мен ҳам маош оламан. Насиб бўлса, Ёдгоржонга атаб қўйган сарполаримни олиб келаман. Айтганча, маҳалла раиси ёрдам берамиз деганди-ку, нима бўлди? Айтган кун бордингми?!

Бордим. Ҳамма қўриб турган аҳволимга янада аниқлиқ киритиш учун бормаган жойим, тайёрламаган ҳужжатим қолмади. Шу ишнинг ортида бир ҳафта юрдим. Энг кизини, хали ҳам ҳужжатларнинг қами бор. Эртага охириги кун, ҳаммаси тайёр бўлиб қолса керак. Ҳужжатларни тайёрлаганимиздан кейин дарров эмас, икки ой ўтиб нафақа олар эканмиз. Олгунимча ёз ҳам келиб қолар экан. Ха майли, ипошук бўлмайин, шунисига ҳам шукур.

– Бу нима деганинг? Қанака икки ой? Икки ойдан кейин олади деб қаерда ёзилган экан? Ҳужжатларинг тайёр бўлган кундан олишинг керак. Бу сенинг эмас, гўдақларнинг ҳақки-ку. Сенга қим айтди ўзи шу гапни?

– Билмасам, – деди елка қисиб дугонам. – Маҳалланинг котиби «ҳужжатларингизни ҳозир тайёрлаб

қўямиз, нафақа пулини эса икки ойдан кейин оласиз» деганди-да. Мен бирор марта нафақа олган бўлмасам. Котибининг айтган гапини айтаялман-да сенга.

Тўғриси, дугонамдан эшитганларимга ҳайрон қолдим. Қанақасига икки ойдан кейин олиши мумкин? Аслида болаларга бериладиган нафақа ҳужжати рўйхатга олинган кундан бошлаб ҳисобланади-ку?! Еки мен билмайдиган янги қарор, фармон чиқдимикан?!

Ушбу масалага ойдинлик қиритиш мақсадида ишга боришдан аввал маҳалла идораси томон юрдим. Нима мақсадда келганимни эшитган котибининг аввалига юзи оқарди. Сўнг нима дейишни билмай роса қаловланди. Шундан билдимки, котиб ўзининг манфаати учун икки ойлик нафақа пулини олиб қолмоқчи бўлган.

Менга қаранг, Малоҳатнинг бошига тушган ишни, қийналиб яшаётганини бошқа билмасам ҳам сиз жуда яхши биласиз. Бечора тунни тонгга улаб тикувчилик қилади. Рўзгорда етишмовчилик бўлгани учун сизларга мурожаат қилди. Ёлғиз боши билан уч болани боқиб унга осон бўлаётгани йўқ.

– Энди бизнинг ҳам харажатли жойимиз бор-да, – дея дудуклана-дудуклана сўз бошлади котиб. – Ойлик маошимиз рўзгордан, болалардан ортмайди. Харажат талаб қиладиган топириқлар эса кўп. Ана шу харажатларни нимадир қилиб қоплашимиз керак-ку. Ўзи Малоҳатдан олиб қолмоқчи эмасдик, фақат...

– Инсофни, диёнатни унутманг, ака. Болалар учун тўланадиган нафақа сизнинг ёки Малоҳатнинг эмас, химояга муҳтож уч гўдакнинг ҳақки. Етимларнинг ҳақига қилинган хиёнатнинг бадални жуда оғир бўлади.

Аччиқ бўлса-да, айтган ба гапларимдан котибининг қалби оғриб, виждони уйғонди шеклиди, стол тортмасида турган, юзига Малоҳат Топволдиева деб ёзиб қўйилган пластик картани қўлимга тутқазди.

Болаларининг икки ойлик нафақа пули тушган картани қўлига оларкан, қўзларидан шашқатор ёш оққан дугонам бағримга отилди.

Нигина ШОЕВА,
журналист

ХВЖ (Халқаро валюта жамғармаси) Ўзбекистонга 375 млн. АҚШ доллари эквивалентидаги имтиёзли кредит ажратилишини маъқуллади.

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ЕНГАМИЗ!

Бугунги кунда инсоният ўз бошидан синовли кунларни ўтказмоқда. Гавжум шаҳарлар сийрак, олдинги жўшқин ҳаёт бироз тин олган. Дарҳақиқат, коронавирус пандемияси бир муддат дунёни ҳаракатдан тўхтатиб қўйди.

Дунёнинг энг ривожланган давлатлари ҳам бу кўринмас бало олдиди ожиз қолди. Бизда-чи? Бизда ҳукумат ҳамма нарсани ҳисобга олган ҳолда касалликка қарши курашиш ва унинг олдини олишга ҳаракат қилди.

Мамлакатимизда мазкур инфекция аниқланган илк кунлардаёқ, яъни 2020 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси ва глобал инкироз ҳолатларининг иқтисодий тarmoқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Ушбу ҳужжат мураккаб даврда халққа ғамхўрлик қилишнинг яққол ифодаси бўлди. Зотан, мазкур фармонга асосан иқтисодий тarmoқлари ва соҳаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, унинг даромадлари кескин камайиб кетишининг олдини олиш мақсадида 10 трлн. сўмлик Инкирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилгани тарихий аҳамиятга моликдир.

Молия вазирлигининг 15 апрелдаги ҳисоботидан маълум бўлишича, ўтган даврда жамғармага жами 1 трлн. 596 млрд. сўм (157 млн. 700 минг доллар) келиб тушган. Жамғарма ҳисобидан 756 млрд. сўм (74 млн 700 минг доллар) ҳаражат қилинган. Бунда энг кўп маблағ шифохоналар ва карантин ма-

жмуаларини куриш ва жиҳозлаш учун сарфланган.

Бундан ташқари, ижтимоий соҳага ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, Касаба уюшмалари федерацияси кенгашига камбағал оилаларда яшовчи хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун, жамоат ишлари жамғармасига банд бўлмаган фуқароларни вақтинчалик ишларга жалб қилиш учун ва ижтимоий нафақаларни тўлаш учун маблағ йўналтирилган.

Карантин даврида қабул қилинган ҳар бир норматив-ҳуқуқий ҳужжат халқ саломатлигини асраш баробарида аҳоли фаровонлигини таъминлаш ва иқтисодий ёт барқарорлигини сақлашда ҳар қачонгидан-да устувор аҳамият касб этди.

Давлат раҳбарининг 18 май куни қабул қилинган «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борадаги ишларнинг узвий давоми бўлди. Хусусан, ҳужжатга мувофиқ, 500 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти ва 100 мингга яқин аҳолига қўшимча 1,7 триллион сўмлик кўмак берилди.

Мазкур фармонга асосан кичик тадбиркорлик субъектлари, бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш жойлари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, йўловчи ташуш, маийий хизмат кўрсатиш, биноларни, шу жумладан,



банклар ўтказиш учун ижарага бериш билан шуғулланувчи юридик шахслар 2020 йилнинг 1 июндан 1 сентябргача мол-мулк солиғи ва ер солиғи тўлашдан озод қилинадиган бўлди.

Айрим микрофирма ва кичик корхоналарга ижтимоий солиқ ставкаси камайтирилади. Микрофирма ва кичик корхоналардан 2020 йил 15 майгача ҳисобланган солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун жарималарни ундириш 2020 йил 1 сентябргача тўхтатилади.

Булардан ташқари, фармонга мувофиқ моддий ёрдам олувчилар сони 10 фойз ошириладиган бўлди. Унга қўра 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчилар сони 2020 йил 1 июндан бошлаб 10 фойз оширилади.

Умуман олганда, карантин шароитида аҳоли ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида тақдим этилган имтиёزلарнинг барчасини санаб ўтирсак, рўйхат анча узун. Сирасини айтганда, давлат ўз ғамхўрлигини намоён қилди.

Албатта, буларнинг барчаси халқимизни коронавирус офатидан эсон-омон олиб чиқиш ва ўз навбатида иқтисодий танглик вужудга келишининг олдини

олишга қаратилган. Карантин шароитида Президентимиз халқимизнинг тарихий ва маънавий кадриятларини, меҳр-саховат, оқибат ва ҳиммат каби юксак фазилатларини инobatга олган ҳолда «Саховат ва қўмак» умумхалқ ҳаракатини йўлга қўйиб ташаббусини илгари сурди. Бу ҳаракат номиданок ўзбек халқининг меҳр-оқибатли, танглигини ифода этиб берди. Шу билан бирга, карантин даврида ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларга асосий озиқ-овқат ва гигиена товарлари бепул етказиб берилаётганидан ҳам халқимиз мамнун.

Шукурки, юртимиз тинчлиги, аҳолининг ҳавфсизлиги йўлида қўрилган чоралар натижасида бугунги кунга келиб пандемия ҳавфи чеккага бошлади. Ўрнатилган чекловлар юмшатилиб, фуқаролар аста-секин одатий ҳаёт тарзига қайтмоқда.

Аммо бир нарсани тушунишимиз керакки, бу юртимизда карантин муддати тугади дегани эмас. Шундай экан, белгиланган қоидаларга амал қилган ҳолда кийинчиларни биргаликда енгтиб ўтамиз.

Гулчеҳра МАКСУМОВА,
ТДЮУ таълим-тарбия маслаҳатчиси

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

нозирга чиқарилади. Нозир тажрибали А.Эшонов билан маслаҳатлашади. Аризани ўқиб чиққан А.Эшонов «дорихона иш юритувчисини танийман, уни ва ариза муаллифини чақиртиринг» дейди. М.Эсонова ҳақиқатан дорихонада ишлагани, ёпилаётганида салкам 8 млн. сўм камомад чиққанини тан олади. Ундан ва ариза муаллифидан тушунтириш хати олинади. Жамият раҳбарига камомадни ундириш учун фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат этиши мумкинлиги тўғрисида жавоб хати юборилади. А.Эшонов камомадни тан олган дорихона иш юритувчиси М.Эсоновани фуқаролик судига чақиритишса бирга бораман дея хотиржам қилади.

Жамият раҳбари ИИБдан олган жавобга қониқмасдан прокуратурага мурожаат этади. Октябрь ойи охирида Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментига чақиртирилган М.Эсонова маслаҳат сўраб А.Эшоновга кўнгирак қилади. У департаментга чақирган ходим кимлигини сўраб билиб олади. Эски «дарди» кўзгайди. Фурсатдан фойдаланиб, чўтал ишлаб олмақчи бўлади. Эртаси куни М.Эсоновга кўнгирак қилади. Уни ишни «тинчитти» учун департаментдаги танишига 200 АҚШ доллар

беришга ундайди. «Бунча пулим йўқ», – дейди амал-тақал рўзгор тебратаетган аёл. А.Эшонов қайта кўнгирак қилиб, танишини 100 долларга ишни ҳал қилиб беришга кўндирганини айтади. Яқинлари, таниш-билишларидан қарзга пул ололмаган, ҳуқуқ-тартибот идорасида профилактика инспектори бўла туриб (унинг пенсиядалигидан бехабар бўлган) мансабидан фойдаланмоқчи бўлаётган А.Эшоновнинг хатти-ҳаракатидан шубҳаланган М.Эсонова департаментга мурожаат қилади. Ушбу мурожаат бўйича ўтказилган тадбирда аёлдан 950 минг сўм олган А.Эшонов жиноят устида ушланади.

– Департаментда танишим йўқ, дорихона ходимининг иши хусусида ҳеч ким билан гаплашмаганман, – дейди пора беришга ундаган фирибгар. – Уйимда уста ишлатгандим. Иш ҳақини тўлашга пулим йўқ эди. М.Эсоновдан алдаб олган пулни устага бермоқчи эдим.

Суд салкам эллик ёшни қоралаганда такроран жиноятга қўл урган А.Эшоновга озодликдан маҳрум этиш жаъзосини тайинлади.

Сардор ИГАМБЕРДИЕВ,
Фаргона шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси



ПЕНСИЯДАГИ ФИРИБГАР

ИИБ профилактика инспектори ўзига бириктирилган ҳудудда ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, осойишталикни таъминлаш каби масъулиятли вазифаларни бажаради. Айтиш мумкинки, фуқаролар унга қараб ички ишлар органларининг фаолиятига баҳо беради.

Ақсарият инспекторлар астойдил ишлаяпти. Фаргона шаҳар ИИБ профилактика инспектори Абдумажид Эшонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам тўғри ишлаб обрў қозongan эди. Пенсияга чиқаётиб мисқоллаб йиққан обрўсини елга совурди. Пора олганида ушланди. Пушаймонлиги эътиборга олинди,

олти йилга озодликдан маҳрум этилди. Амнистия акти қўлланиб жазо муддати қисқартирилди. Муддатидан аввал, шартли равишда озод қилинди.

Озодликка чиққан пенсияонер илгари ўзи ишлаган Фаргона шаҳрининг Амир Темура мавзесидаги профилактика инспекторига ту-

шунтириш хати олиш каби ҳужжат ишларида норасмий ёрдамлашиб туради. 2019 йилнинг июнь ойида Тошкент шаҳридаги «Panaseya farm» МЧЖ раҳбарининг Фаргона шаҳридаги ёпилган дорихонасининг иш юритувчиси М.Эсоновдан камомадни ундириб бериш ҳақидаги аризаси текшириш учун профилактика

18 май куни «Томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори қабул қилинди.

ОВ БАРОРИДАН КЕЛМАДИ

JINAYAT VA JAZO

Муҳиддин маҳалласидаги Ғулом аканинг уйида ва ем сотиш шохобчасида юмушларни бажариб пул топарди. Ёмхонага келадиган юкларни тушириш жуда машаққатли эди. Шу боис куз келгач, отаси унга бу ишни йиғиштиришини, Ғулом жуда кам ҳақ бераётганини айтиб, ундан кўра уйдаги ишларни қилиб юришини тайинлади.

Муҳиддин Ғулом акага бу гапларни етказиб, ундан рухсат сўради.

– Бугун яна ўн тоина ем келди, – деди Ғулом ака. – Шуни туширишга ҳам ёрдам бер, кейин кетаверасан...

Муҳиддин рози бўлди. Ёрни туширишгач, уйига кетди.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, ўзича Қаршини айланиб келишни режа қилди. Мушиқа эшитадиган кулоқчин сотиб олмоқчи бўлди. Тўрт ойча аввал кўшниси Илҳомга 150 минг сўм қарз бериб қўйган эди. Шуни сўраб чиқди.

– Мен яқшанба куни машинами бозорга олиб чиқиб сотмоқчиман, – деди Илҳом. – Сотсам, сенинг пулингни ҳам қайтариб бераман, агар пулинг бўлса бериб тур, мен кредитимни тўлашим керак, яқшанба куни ҳаммасини қайтариб бераман...

– Қанча керак? – туюси қалғага қатнаб ётган бойваччадай керилди Муҳиддин.

– Қанча бўлса беравер, бозор куни оласан...

– Бўпти, кечқурун етти юз ё саккиз юз минг топиб бераман... – ваъда бериб юборди Муҳиддин кулоқчинга ҳам пули йўқлигини унутиб.

Уйига бориб, ер ағдариб, уни экин экишга тайёрлаб қўйди. Оқшом пайти зерикиб, мактаб стадионига бориб, футбол томоша қилди. Уйига қайтаётиб, Ғулом аканинг уйи ёнидаги «мойка»га бурилди. У ердаги кишлоқдошлари билан ярим соатча гурунлашиб ўтирди.

Қараса, Ғулом аканинг дарвозасига кулф осилган экан. Демак, уйда ҳеч ким йўқ. Муҳиддиннинг кўнглига шум ният оралади.

Уйнинг орқа томонига ўтиб, темир дарвоза эшиги ип билан боғлаб қўйилганини кўрди. Атрофда ҳеч ким йўқлигига амин бўлгач, шу дарвозадан ҳовлига кирди. Ёғоч қарават устига тўшалган гиламини кўтариб қаради. Гилам остида Ғулом акага тегишли «Кобальт» автомашинаси ва ёмхонанинг қалитлари, шохобчанинг қарз дафтари турган экан. Гиламини яна четроқ сурди. Яна бир шода қалит кўрди.

Қалитлардан бири билан қарават ёнидаги асосий дахлизининг эшигини тимирскиланиб очди. Очқ турган ичкари хоналардан ҳеч вако тополмади. Рўпарадаги хона кулфлоглиқ экан. Эшикнинг икки кўз ойнасини синдириб, ичкарига кирди. Ичкарида мева солишга мўлжалланган саватча ва ёғоч сандиқчада пуллар сочилиб ётганини кўрди. Ови бароридан келганидан қувониб, пулларни қўлига илашган пакетга тика бошлади.

Уйига боришга кўрди. Кишлоқ чеккасида ўзлари маккажўхори эккан ер бор эди. Ўша жойга бориб, нафасини ростлади. Тимирскиланиб, пулнинг орасидан 20 та элик мингталикни олиб, қўйнига тикди. Сўнг пакетни маккажўхори орасига яшириб қўйди...

Уйга кайтгач, кўшниси Илҳомга кўнгирик қилиб, Қарши шахрига бирга бориб келса, бир танишидан пул олиб беришини айтди. Кўшниси машинада келгунга қадар Қаршида яшовчи таниши Мунисага кўнгирик қилди. Гурунг орасида Муниса ундан боласига қийим олиш учун 250 минг сўм сўради. Муҳиддин ҳозир олиб бориб беришини айтди.

Шахарга боргач, Муниса билан учрашиб, у сўраган пулни қўлига тутқазди. Сўнг унга Илҳомнинг ёнида пулини қачон қайтарасан деб сўрашини тайинлади. Муниса унинг айтганини қилди. Ўз навбатида Муҳиддин Илҳомдан пулни қачон қайтаришини сўради. Илҳом бир ҳафтада қайтаришга ваъда берди. Хуллас, Муҳиддин ўзини Мунисадан пул олгандек қилиб кўрсатишининг урдасидан чиқди.

Уйга қайтиб, машинадан тушаётган вақтида кўшниси Илҳомга 750 минг сўм қарз берди.

Озроқ вақт ўтиб, уйига Ғулом ака кириб келди. Муҳиддин сир бой бермасликча тиришса ҳам, ранги оқариб кетди. Ғулом ака яна юк келганини айтиб, ёрдам сўради ва уни уйига олиб кетди.

Уйга боргач эса хонадонига ўтри кирганини айтиб, уни кистовга олди. Кўрқиб кетган Муҳиддин аввалига тониб туриб олди. Бирок Ғулом ака ички ишлар бўлимига кўнгирик қилганидан сўнг айбини тан олишга мажбур бўлди...

Аниқланишича, Муҳиддин Маҳмудов маҳалладоши Ғулом Рўзиевнинг уйидан 20 млн. сўм пул ўғирлаб чиққан экан.

Муҳиддин судгача Ғулом акага етказган зарарини тўлади. Жабранувчи ҳам унга бошқа даввоси йўқлигини маълум қилди. Суд ҳукмига кўра Муҳиддинга иш ҳақидан 10 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланди.

Осонгина бойлик топиш борасидаги хомхаёл мана шундай аянчли якуни топди...

Ботир МҲМИНОВ,
Миришкор тумани прокурорининг ўринбосари

Темир Солиев
(исм-фамилиялар
ўзгартирилган)
мактабнинг
11-синф
ўқувчиси, ёши ўн
саккизда. У бир
неча йилдан буён
бўш вақтларида
Шайхонтоҳур
тумани
ободонлаштириш
бошқармасида
фаррош бўлиб
ишлайдиган
онаси Мавжуда
Холтўраевага
ёрдамлашарди.
Мўйлови сабза
ура бошлаган,
билагига кучга
тўлиб бораётган
бу йигитга бора-
бора онасига
қароши малол
кела бошлади.



ҚОТИЛ БЕГОНА ЭМАС

Балки бу ўсмирлик даврининг салбий таъсиридир. Хуллас, Темир кейинчалик онасининг қистови билан бу ишларни базўр қиладиган бўлди. Доим онасининг кўзидан панада юришга ҳаракат қиларди. У онасига қарошиб кўча супурган пайтлари топган бақалажқа, қоғозларини йиғиб қабул пунктларига топширар, пулини ўзига ишлатарди. Халқимиз беҳиз «Қозонга яқин юрсанг қораси, ёмонга яқин юрсанг балоси юкади» демаган. Темир ҳам шароб дўқони олдида умрини ўтказётган уч-тўрт кишига қўшилиб айниди. Спиртли ичимлик ичишни одат қилди. Оқибатда оғир жиноятга қўл уриб, узок йилга панжара ортига равона бўлди.

Собир Самадов қарийб 20 йилдан буён ободонлаштириш бошқармасида М.Холтўраева билан бирга ишлайди. Темирни гўдаклигидан билади. Онасининг кетидан эргашиб юрадиган қиякчи-на бола Собир аканинг кўз олдида катта бўлди. Иш вақтида дастёрликни жойига қўйгани учун унга меҳри тушганди.

С.Самадов асосан ободонлаштириш бошқармасининг генерал Узоқов кўчасида жойлашган омборхонасида қоровул бўлиб қоларди. У ерда ишчилар кийиништи, дам олиши, ювиниши учун шариот бор эди. С.Самадов ёз кунлари деярли ҳар куни шу омборхонада тунаб қоларди.

2019 йилнинг 20 август куни Т.Солиев онасининг ҳайхайлашига қарамай, стол устида турган пичоқни кини билан чўнтагига солди-да, такасалтанг ошналари олдига шошилди. Ёнидаги бор пулини чиқариб уларга берди ва шариот маншат қилишди. Вақт алламаҳал бўлганида тарқалишди. Темир биладики, уйга борса онасидан яхшигина гап эшитилади, ҳатто таёқ ейиши ҳам тайин. Шунинг учун у омборга йўл олди. Ёз бўлгани учун аниқ биладики, Собир ака ўша ерда, борса кўчада қолмайди.

Соат тунги икки яримларда омборхонанинг дарвозасини тақиллатди. Ичкаридан «Ким у?» деган овоз келди. «Мен Темирман, ичганим, уйга борсам онам уришарди», – деди йигитча. Собир ака «Оббо тирранча-ей, сенга ичишни ким қўйибди, ҳеч ким ичкиликдан фойда топмаган, бу одатингни йиғиштир» деб уни ичкарига киритди. Ўриндикка кўрпача солиб бериб, ўзи жойига ётди. Темирнинг кўзига уйқу келмасди. Чунки

ошналари билан кўпроқ еб-ичиб қўйган экан, улардан бир неча минг сўм қарз бўлиб қолган эди. Энди пулни қасрдан топади? Эртага ҳам ўша бекорчи ошналари қақиради. Икки бармоғини бурнига тикиб борадими?.. Шу хаёллар унга уйқу бермасли.

Ўтиб-Ўтиб кўнглига бир шумлик келди. Секин туриб, Собир аканинг чўнтагига қўлини тикиб, уяли телефонини олишга ҳаракат қиладиганида у сезиб қолди ва Темирнинг қўлини ушлади. Чўчиб кетган Темир унга бир мушт туширди. Собир аканинг қўлини ҳам аччиғи чиқиб, йигитни урди. Шу тариха икковлон муштлашиб кетишди. Ёши улдуф бўлган Собир ака «Ҳа, зумраша, ичкилик ичганинг етмагандек, энди ўғирлик ҳам қилмоқчимисан? Бир адабингни бериб қўйми?» дея у билан баробар олишди. Шу пайт Темир чўнтагидан пичоқ чиқариб, Собир аканинг қорнига тикиб олди. Жонҳолатда орқага тисарилган С.Самадовни энди Темир исқанжага олди. Унга кетма-кет пичоқ ура бошлади, йиқилиб жим бўлиб қолгандан сўнггина тўхтади. Ишини охирига етказиб қўйиш учун ерда узала тушиб ётган марҳумнинг кискасига яна қўлини тикди ва уяли телефони ҳамда 1 млн. 350 минг сўм пулини олиб, қочиб кетди. Йўл-йўлакай қўлидаги қонга беланган пичоқни буталар орасига улоқтирди.

Эрта тонгда омборхонага иш қуролларини олиш учун келган ходимлар содир этилган мудҳиш жиноят ҳақида тегишли жойга хабар беришди. Манзилга етиб келган тезкор гуруҳ воқеа жойини яхшилаб кўздан кечиришди. Бармоқ изларидан намуна олиб, суриштирувни бошлаб юборишди. Ўзининг фарзандидек бўлиб қолган бола Собир аканинг қотили эканлиги кимнинг ҳам хаёлига келарди? Ҳаммасига бармоқ изларидан олинган намуналар ойдинлик киритди. Темирни ушлаб келиб сўроқ қилишгандан у қилмишига иқдор бўлди.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида 18 ёшли қотилга ҳукм ўқилди. Т.Солиев 16 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Умид КУЛИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма
АМИБ терговчиси

«Ўзбекистон Республикасида Касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида»ги Ҳукумат қарори қабул қилинди.

21-MAY 2020-Y.
HUKUMAT N: 20
(12/17)

7

ХОДИМГА ПОРА ТАКЛИФ ҚИЛИШДИ

М.Мухторов ва А.Туропов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) жиноий тил бириктириб, фуқаро Ф.Парпиевнинг уйига ўғирликка тушади. Ғузур тумани ИИБ ЖКБ катта тезкор вакили, капитан А.Тўраев Ф.Парпиевнинг мурожаати юзасидан расмийлаштирилган ҳужжатлар бўйича суриштирув ўтказиш мақсадида уларни чақиртиради.

М.Мухторов ва А.Туропов мазкур материал бўйича жиноят иши кўзгатамаслик ва судга юбормасдан ҳал қилиб бериш эвазига ички ишлар ходимига 100 АҚШ доллари миқдорига пора таклиф қилишади.

А.Тўраев бу ҳақда Ғузур тумани ИИБ бошлиғига билдирги билан мурожаат қилади. Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси, департаментнинг Ғузур тумани бўлими ва ИИБ ходимлари ҳамкорликда

ўтказган тадбирда М.Мухторов ва А.Туропов А.Тўраевнинг хизмат хонасида унга 100 долларни беришга тўғрисида ушланиб, пул ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, айбдорларга қилмишларига яраша жазо тайинланди.

Дилшод АЛИМОВ,
департаментнинг Ғузур тумани бўлими бошлиғи

ҲИСОБЧИНИНГ НАЙРАНГИ

Кейинги пайтларда фуқароларни алдаб уларнинг пластик карталаридан ноқонуний равишда пул ечиб олиш ҳолатлари кўп учрамоқда. Шовот тумани маданият бўлимида ишловчи Д.Н. ҳам ҳамкасбининг ана шундай ҳийласига дуч келади. Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Шовот тумани бўлими ўтказган терговга қадар текширишда пластик карта билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик юзага чиқди.

Яъни туман маданият бўлими ходими Д.Н. бўлим ҳисобчиси Ж.А.га пластик картасининг муддати тугаганини маълум қилади. Хабарни эшитган ҳисобчи картани олади ва банк филиалида амал қилиш муддатини узайтириб, филиалда жойлашган банкомат орқали ўзининг телефон рақамига «Банк СМС» тизими орқали улашга ҳам улгуради. Ҳисобчи компьютер тизимига рухсатсиз кириб, ўз ҳамкасбининг пластик картасидан 1 млн. 329 минг сўм пулни ўмарди.

Қонун устуворлиги таъминланган юртимизда ҳар қандай ноқўя қилмиш фош этилади ва жазо муқаррарлиги таъминланади.

Мазкур ҳолат юзасидан Шовот тумани маданият бўлими ёрдамчи ҳисобчиси Ж.А.га нисбатан жиноят иши кўзгатилиб, ҳуқуқий таъсир чоралари кўрилди.

Жаҳонгир САПАЕВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта инспектори

МУДИРНИНГ ХАРАЖАТИНИ БЕМОР ТўЛАМАДИ

Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг Хўжайли тумани бўлими ўтказган махсус тадбирларда коррупция билан боғлиқ учта жиноят фош этилди.

Мазкур ҳолатлар бўйича жиноят ишлари кўзгатилиб, суд томонидан айбдор деб топилган шахсларга жазо муқаррарлиги таъминланди.

Хусусан, тумандаги «Қорақалпоғистон» кишлоқ врачлик пункти мудир Қ.А. ўз хизмат маъқасидан гараж мақсадда фойдаланмоқчи бўлган. Аниқроғи, у ўтган йилнинг ноябрь ойида қабул қилинган бемор А.Ш.га тиббий хизмат кўрсатиш ва кейинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақасини тўғрилаб беришини ваъда қилган. Фақат бунинг «харажати» борлигини айтган.

Тиббий хизмат кўрсатиш учун ўзига қўйилаётган талабнинг қонунга зидлигини хис қилган бемор бу воқеа ҳақида департамент органларига мурожаат қилган.

Ушбу мурожаат юзасидан ўтказилган тезкор тадбирда ҚВП мудир Қ.А. хизмат хонасида мурожаат эгасидан талаб қилган пулни пора тарикасида олган пайти ушланди. Суд унга озодликни чеклаш жазосини тайинлади.

Салават САПАРБАЕВ,
департаментнинг Хўжайли тумани бўлими бошлиғи



ҚИМОРБОЗЛАР ТАКЛИФ БИЛДИРДИ

Ҳар хил одам бор. Кимдир юрт ривожига хизмат қиладиган ишлар билан машғул бўлса, баъзилар жиноят кўчасидан юришни афзал кўришади. Қилмиш фош бўлганидан сўнг эса маҳалла-кўй, яқинлари олдида юзи шувут бўлиб қолади. Бувайдалик Равшан Жабборов, Салим Мансуров, Жамшид Рашидов ва Афзал Каримов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) шу ҳолга тушишди.

Тўрт оғайни 2019 йил 2 ноябрь куни йиғилиб кимор ўйнашни режалаштиради. Уйда ўйнаш хавфи, шунинг учун далага йўл олишади. Далада киморга шу даражада берилиб кетишадими, ёнларига «участковой» келганини ҳам сезмай қолишади.

Профилактика инспектори мазкур ҳолат юзасидан ҳужжатларни расмийлаштириб, уларга эртага идорага фуқаролик паспорти нусхаларини олиб келиб беришларини, ҳужжатлар судга оширилишини айтиди. Шунда қиморбозлар ичнда уддабурони Равшан инспекторни четта олиб, ҳужжатларни судга жўнатмаслигини илтимос қилади. Гап орасида бунинг эвазига бирор хизмат бўлса тортинмай айтаверишини кистириб ўтади. Инспектор унга рад жавобини бериб, ҳужжатларни судга жўнатишини таъкидлайди.

Равшан оғайнилариغا инспекторга пора бери, ишни ёпги-ёпги қилиш кераклигини айтиди. Улар 600 минг сўм пул йиғишади. Икки кундан



кейин Равшан инспекторга телефон орқали бир миллион сўм пора таклиф қилади. Инспектор буни қатъиян рад этиб, тушликдан кейин хизмат хонасида бўлишини, паспорт нусхалари ва маҳалла фуқаролар йиғинидан маълумотнома олиб келиб беришларини тайинлайди. Бу орада инспектор қасамёдига содиқ қолиб, қиморбозларнинг таклифи ҳақида раҳбариятга мурожаат қилади. Унинг билдиргиси асосида ўтказилган тадбирда Равшан ва шериклари 600 минг сўм пулни профилактика инспекторига пора тарикасида бераётган вақтида ашёвий далил билан қўлга олинди.

Бир жиноятни яшираман деб иккинчига қўл урган шоввозлар энди қилмишлари учун қонун олдида жавоб беришга тўғри келади.

Нодир АШУРБАЕВ,
департаментнинг Бувайда тумани бўлими бошлиғи

СИФАТСИЗ ЁҒ ҚАЕРНИКИ ЭКАН?..

Бир хато иккинчисини етаклаб келиши рост. Тоҳир Рўзиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Лабирўтча кишлоғида яшайди. Тадбиркорларга яратилган шароитларни яхши билади. Аммо бу шароитдан фойдаланиш ўрнига қинғир ишга қўл урди.

Қизининг уйда мойжувоз ўрнатиб иш бошлаганида бу ёғига пичоғим мой устида бўлади деб ўйлаган эди. Тадбиркор фаолиятини қонунга асосланиб йўлга қўйса, даромади ҳалол бўлиб моддий таъминоти яхшиланади. Аммо Т.Рўзиев сингари яширин цех очганлар кун келиб фош бўлиши ҳам бор гап.

Қўлбола усулда пахта мойи ишлаб чиқараётган Т.Рўзиев бир ўқ билан икки куёни урмоқчи бўлиб, электр тармоғига қонунга хилоф тарзда уланган эди.


2020 йил февраль ойида ўтказилган тадбирда битта мойжувоз, 50 литр пахта мойи, 120 килограмм чигит ва 20 килограмм кунжара ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштириб олинди. Сохта тадбиркор бундан ҳулоса чиқарганида бутун суднинг қора курсисидан ўтирмасми...

4 март куни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари Т.Рўзиев ноқонуний фаолиятини давом эттираётганини аниқлашди. У ўзига тегишли, қурилиши тугалланмаган уйда ўзбошимчилик билан қўлбола усулда пахта мойи ишлаб

чиқариш ускунасини ўрнатиб, электр токидан бемалол фойдаланаётганида қўлга олинди. Бу гал уйдан учта жувоз, 75 литр мой, 390 килограмм чигит ва 310 килограмм кунжара расмийлаштириб олинди.

Гап жазонинг оғир ёки енгиллигида эмас. Лекин қонунбузар ўз кишлоқдошлари, маҳалладошларининг соғлиғига хавф солувчи, давлат стандартига жавоб бермайдиган сифатсиз маҳсулотни сотиши, содиқ тўлашдан қочиб ноқонуний фаолиятини давом эттиргани афсусланарлидир! Т.Рўзиев хатосидан сабоқ чиқарса шунинг ўзи муаммонинг ечими бўлиши мумкин.

Ражаббой МУРОДОВ,
департаментнинг Вобкент тумани бўлими бошлиғи



РАМАЗОН ОЙИДАГИ САВОБЛИ ИШЛАР

Суд ва бошқа органлар ҳужжатларининг ижросини таъминлаш, ижро ҳужжатлари ҳамда ундирилган маблағларнинг ҳисобини юритиш, иш юритишда сансалорлик ва суистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш бюро органлари зиммасига юклатилган асосий вазифалардан биридир.

Бюронинг туман бўлимлари томонидан фарзандлар таъминоти учун алиментни ўз вақтида, хатто муддатидан олдин ундириш билан бирга, давлат ижрочилари тарафларни яраштиришга ҳам ҳаракат қилишмоқда.

Карантин даврида давлат ижрочиларининг ташаббуси билан 1300 дан ортиқ оила ярашди. Масалан, МИБ Учтепа тумани бўлими иш юритишда фуқаролик ишлари бўйича Шахрисабз туманлараро судининг буйруғига асосан Ж.Болтаевдан Г.Тўрақуловага вояга етмаган уч фарзандининг таъминоти учун ойлик даромадининг 1/3 қисми миқдорда алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати бўлган. Ж.Болтаев алимент пулини ўз вақтида почта орқали тўлаб юрган.

Карантин даврида олиб борилган профилактика ишлари

самара берди. Вояга етмаган фарзандларининг тақдирига бефарқ бўлмаган ота-она ярашди.

Сўнг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонуннинг 40-моддаси 1-бандига асосан ижро ҳужжати тамомланди.

Яна бир ҳолатда фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судининг 2019 йил 19 декабрдаги буйруғига асосан Қумқўрғон туманида яшовчи Г.Тоғаевдан вояга етмаган икки фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланган эди.

Мажбурий ижро бюросининг Қумқўрғон тумани бўлими ходимларининг тушунтиришидан тўғри хулоса чикарган Г.Тоғаев собиқ турмуш ўртоғи билан келишган ҳолда фарзандлари 18 ёшга

тўлгунга қадар тўлаши керак бўлган 66 млн. 500 минг сўм алимент пулини олдиндан тўлаб берди.

Карантин даврида имконияти бор оталарнинг алимент пулини ўз вақтида тўлаб бериши ҳам фарзандларининг келажаги учун хизмат қилиши табиий.

Шунингдек, бюронинг Шароф Рашидов тумани бўлими томонидан қардор О.Абдулсаломовдан Н.Бўрибоевага фарзанди вояга еттунига қадар тўлашиши лозим бўлган 10 млн. сўм алимент пули тўлиқ ундирилиши таъминланди.

Асосийси вояга етмаган фарзандларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинмоқда.

Жаҳонгир ҚИЛИЧЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлими бош инспектори



САХОВАТ – АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ

Карантин даврида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида Мажбурий ижро бюроси Андижон вилояти бошқармаси ҳам бир катор ишларни амалга оширмоқда. Эҳтиёжманд аҳолининг коммунал тўловлардан қарзини ҳомийларнинг ёрдами билан бартираф этишга қўмаклашиш шулар жумласидандир.

Бундан ташқари, муҳтож оилаларга кундалик озиқ-овқатлар марказлашган тартибда етказилиши таъминланмоқда.

Хусусан, кеча Мажбурий ижро бюроси билан Андижон тумани прокуратураси ҳамкорлигида имконияти чекланган икки кишига махсус аравача, шунингдек, ўндан ортиқ оилага озиқ-овқат улашилди.

Шу кунга қадар бюронинг Андижон вилояти бўлимлари томонидан 130 дан ортиқ камбағал оилага озиқ-овқат махсулотлари тарқатилди.

Шунингдек, 211 нафар истеъмолчининг электр энергияси, табиий газ ҳамда маиший чикинди учун тўлаши керак бўлган 57 млн. 245 минг сўмлик қарзи ҳомийлик асосида тўлаб берилди.

Бундай хайрли ишлар давом эттирилмоқда.

Ойистахон АБДУРАХМАНОВА,
МИБ Андижон вилояти бошқармаси катта инспектори

ТЎЛОВ УНДИРИЛДИ

Мажбурий ижро бюросининг Олмазор тумани бўлимига туман Солиқ инспекциясининг 5 майдаги қарорига асосан қардор «Мухаммал обод қурилиш» масъулияти чекланган жамиятидан 1 млрд. 545 млн. 40 минг 818 сўм солиқ ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати шу куннинг ўзида келиб тушган.

Давлат ижрочиси Д.Зитов томонидан шу кун ижро ҳужжати бўйича қарор қабул қилиниб, тарафларга юборилган.

Олмазор туман ДСИ МИБга тақдим этган ҳужжатларга қўра жамият аслида 2014 йилдан бошлаб солиқларни ўз вақтида тўламагани оқибатида шундай катта қардорлик юзага келган.

Карантин вазиятида масофадан туриб олиб борилган мажбурий ижро ҳаракатлари давомида қардор ташкилотнинг ҳисобрақамида пул йўқлиги аниқланди. Давлат ижрочиларининг тушунтириши натижасида жамият олти йиллик қарзини тўлади.

Қандай дейсизми? 8 май куни корхонадан 1 млрд. 545 млн. 40 минг 818 сўм нақд пул ундирилиб, туман ДСИ ҳисобрақамига ўтказиб берилди.

Бошовер БОЛТАЕВ,
МИБ Олмазор тумани бўлими бошлигининг ўринбосари

ОТАЛИК МЕҲРИ ЖЎШИБ

Фуқаролик ишлари бўйича Нуробод тумани судининг 2018 йил 8 октябрдаги қарори билан шу туманда яшовчи Б.Жалиловдан вояга етмаган икки фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш белгиланиб, МИБ Нуробод тумани бўлими томонидан ижро иши юритилган.

Шу вақтга қадар Б.Жалилов алиментни истар-истамай, факат Мажбурий ижро бюроси ходимларининг аралашуви билан тўлаб келаётган эди.

Бугун кунда коронавирус пандемиясининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган карантин шароитида муқим даромади бўлмаган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш нақадар муҳим-

лов шу кун ижро ҳужжати вояга еттунига қадар тўлаши зарур бўлган 42 млн 927. минг сўм пулини олдиндан тўлаб берди.

Алиментнинг олдиндан тўлаб берилганидан собиқ турмуш ўртоғи ҳам жуда мамнун бўлди, энди бу маблағни тежаб, фарзандларининг таълим-тарбияси, озиқ-овқати ва бошқа эҳтиёжлари учун сарфлашини айтди. Эл бошига иш тушган бир пайтда отанинг меҳрини фарзандларининг кўнгли тоғдек ўсгандай бўлди.

Алишер ҲАМДАМОВ,
МИБ Нуробод тумани бўлими бошлиғи

ҚАРЗ КВАРТИРАГА ҚАРАТИЛДИ

Бюронинг Янгиқўрғон тумани бўлими қарзларни мажбурий тартибда ундиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда.

Хусусан, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2019 йил 18 июндаги ижро ҳужжати асосан К.Қаюмовдан Р.Қосимовга етказилган 128 млн. 36 минг 100 сўмлик зарарни ундириш тўғрисидаги ижро иши бўлимига келиб тушган, К.Қаюмовга қарзини ўз иختиёри билан тўлаши учун муддат берилди. Бироқ у бундан тўғри хулоса чикармади, қарзини тўламади. Шу боис унга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн баробари, яъни 2 млн. 230 минг сўм маъмурий жарима қўлланди. Жарима ундирилди ҳам.

Шундан сўнг тегишли ташкилотларга сўров юборилди. Олинган маълумотлардан аён бўлдики, қардорнинг Наманган шаҳар Машраб кўчасида эҳтиёжидан ортиқча квартираси бор экан. Мазкур хонадон 11 февраль куни белгиланган тартибда хатланди.

Қардор бу ҳақда бир неча марта огоҳлантирилди. Бироқ қарзини тўламагач, юқорида қайд этилган кўчмас 126 млн. 92 минг сўмга баҳоланди ва у баҳолаш натижаси ҳақида яна хабардор этилди. Шунингдек, ўн кун ичида қарзини тўлаши кераклиги ҳақида огоҳлантирилди.

Шундан кейин ҳам қардор ижро ҳужжати талабини бажармади. Ниҳоят, давлат ижрочисининг 2020 йил 17 мартдаги мол-мулкни электрон онлайн-аукционда сотиш тўғрисидаги қарорига асосан К.Қаюмовнинг хатловдаги кўчмас мулкни электрон онлайн-аукционга чикарилди.

Аукционда ушбу кўчмас мулк сотилиб, Р.Қосимовга қарзи ундириб берилди.

Дилмурод ТҲУТАОБОВ,
МИБ Янгиқўрғон тумани бўлими давлат ижрочиси

ХАЙРЛИ ИШЛАР БАРДАВОМ

Ижтимоий ёрдамга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ишлар юртимиздаги эпидемиологик вазият сабаб янада жонланди. Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ходимлари ҳам бадавлат юртдошларимизни ана шундай савобли ишларга ундамоқда.

Хусусан, бюронинг Жиззах вилояти бошқармаси ҳамда шаҳар бўлими ходимлари биргаликда «Жиззахлик» МФЙда яшовчи Н.Элмуродовнинг оиласидан хабар олишди. Хонадонни дезинфекция қилиб, озиқ-овқатлар тақдим этишди.

Навбатдаги манзил «Қалия» МФЙдаги Замира Баҳовалдинованинг хонадониди. Камбағал оила солиқларни ўз вақтида тўламай, бир неча бор огоҳлантирилган. Биро ташаббуси билан ҳомийлик асосида 223 минг сўм давлат божи тўлаб берилди.

Шу ўринда айтиш керакки, МИБ Жиззах вилояти бошқармаси саховатпеша юртдошларимиз билан бирга апрель ойида 1085 та оилага 143 млн. сўмлик ёрдам кўрсатди. Бундай хайрли ишлар аҳолини жипслаштиришга, ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Акмал ЛАПАСОВ,
МИБ Жиззах вилояти бошқармаси катта инспектори

ТЕРГОВЧИНИНГ ТАҚДИМНОМАСИ

УНИ КИРИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Жиноятларнинг олдини олишга қаратилган ҳуқуқий институтлар тизимида терговчининг тақдимномаси муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекснинг 297-моддасига мувофиқ суриштирувчи, терговчи, прокурор жиноят ишини тергов қилиш чоғида жиноятнинг сабабларини аниқлаб, давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига, жамоат бирлашмасига, жамоага ёки мансабдор шахсга ана шу сабабларни бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома киритади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, тақдимнома ҳуқуқий восита сифатида жамият ва давлат олдига турган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий вазибаларни ҳал қилишга қаратилгани билан муҳим аҳамият касб этади.

Терговчининг профилактик фаолиятида тақдимномани қўллаш орқали умумижтимоий мақсадларга эришилган ҳолда ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари таъминланади.

Қонун бузилиши аниқланганда ва уни бартараф этиш лозим бўлган ҳолларда тақдимнома киритиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мажбурияти бўлиб, унинг бажарилиши орқали ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг қонун нормаларига риоя қилиши таъминланади. Хусусан, ҳуқуқшунос олим И.Ширшовнинг фикрича, тақдимнома киритишга терговчининг ҳуқуқий сифатида ёндашиш жиноятчиликка қарши курашиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг мақсад ва вазибаларига тўғри келмайди. Чунки жиноят ишининг тергови якувлари бўйича тақдимнома киритиш орқали жиноятнинг содир этилишига имкон берган ҳолат, сабаб ва шароитларга ҳамда аниқланган қонунбузарликларга ҳуқуқий муносабат билдирилади.

Терговчининг профилактик фаолиятида тақдимномалар киритилиши ижтимоий аҳамиятга эга. Бу борада олимларнинг фикрича, тақдимнома ҳуқуқий муносабатлар тизимида юридик баҳо беришнинг муҳим акти бўлиб хизмат қилади. Чунки айнан тақдимнома орқали жиноят ишларини тергов қилиш жараёнида аниқланган ҳолатлар умумлаштирилиб, жиноятнинг содир этилишига им-



кон берган сабаб ва шароитлар кўрсатиб берилди.

Тақдимнома киритишда қуйидаги вазибалар ижросига алоҳида эътибор бериш лозим:

- жиноятнинг сабаб ва шароитлари тўлиқ аниқланиши ва бартараф этилиши;
- жиноятга сабаб бўлган тизимли камчиликлар аниқланиши, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар берилиши, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ва уларнинг оиласида юзага келган ижтимоий муаммолар ҳал этилиши;
- тайёргарлик кўрилатган жиноятнинг олди олинishi, содир этилатган жиноятга барҳам берилиши;
- қонун бузилишига йўл қўйган мансабдорларнинг жавобгарлиги масаласи ҳал этилиши;
- жиноят процесси иштирокчиларининг ҳавфсизлиги таъминланишига эришилиши.

Тақдимнома фақатгина профилактик йўналишга эмас, балки бартараф этувчи ва жазолаш хусусиятига ҳам эга бўлади.

Бироқ ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлил қилиш тақдимнома киритиш самарадорлигини таъминлаш борасида бир қатор муаммолар борлигини кўрсатмоқда. Хусусан, 2018 йил 28 апрелда

Ҳазорасп туман прокуратураси томонидан Мухомон кишлоғи Мухомон маҳалласида яшовчи З.С ва Ф.Б.га нисбатан ЖКнинг 219-моддаси 2-қисми билан кўзғатилган жиноят ишининг дастлабки тергови натижасига кўра иш судга оширилган ва 2018 йил 30 июнда жиноятнинг сабабларини бартараф қилиш ҳақида «Мухомон» маҳалла фуқаролар йиғинига тақдимнома киритилган бўлса-да, унинг муҳокамасида прокурор-тергов ходимлари иштирок этмаган ва жавоби олинмаган. Шунингдек, ушбу оилда олдиндан муҳит нотинч бўлгани маҳалла фаолларига аён бўлса-да, бирон-бир шахсга чора кўрилгани тўғрисида маълумот мавжуд эмаслиги аниқланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 20 декабрдаги 129 ва 179-буйруқларига асосан жиноят иши юзасидан киритилган тақдимнома масъул ташкилот томонидан бир ойлик муддатда тақдимномани киритган тергов органи иштирокида кўриб чиқиши кўрсатилишига қарамасдан, ушбу талаб бажарилмаган ҳолатлар бор.

Мисол учун, 2017 йил 16 мартда Департаментнинг Урганч туман бўлими томонидан фуқаро Ж.А.га нисбатан ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «г» бан-

ди билан кўзғатилган жиноят ишининг дастлабки тергови натижасига кўра иш судга оширилган ва 23 майда жиноятнинг сабабларини бартараф этиш ҳақида «Исломобод» маҳалла фуқаролар йиғинига тақдимнома киритилган бўлса-да, унинг муҳокамаси қонунда белгиланган муддатда эмас, балки орадан 1 ой 6 кундан кейин муҳокама қилинган.

Ўзбекистоннинг амалдаги қонунчилиги бўйича жиноят ишларининг тергови якунида тақдимнома киритилган ҳолатларда унинг ижросини таъминламаган мансабдорларнинг жавобгарлиги масаласини ҳал қилиш юзасидан қонун нормаларини такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда.

МЖТКнинг 196-моддасида фақатгина ҳуқуқбузарлик сабабини ҳамда шароитини бартараф этиш юзасидан ички ишлар органларининг ёзма тақдимномасини бажариш чорасини кўрсатилган учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, бу борада мансабдорларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солиниши кўрсатиб ўтилган.

Бу борада хорижий тажрибага назар солсак, Беларуснинг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодекснинг 24.4-моддасида тергов органларининг тақдимномаси бажарилмаган ҳолларда тергов органининг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилинганлиги тўғрисида баённома тузишга ваколатли эканлиги кўрсатиб ўтилган.

Мамлакатимизда тергов органлари фаолиятининг самарадорлиги ва қабул қилинадиган ҳужжатларнинг таъсирчанлигини ошириш мақсадида МЖТКда ҳам терговчининг тақдимномасини бажармаганлик учун маъмурий жавобгарликни белгилаш лозим деб ҳисоблаймиз.

Ойбек СУЛТОНОВ,
Хоразм вилояти прокуратураси
бўлим бошлиғи
Ойбек ЖУМАНИЕЗОВ,
«Нуқра»

КАРАНТИН ДАВРИДА 231 ТА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК


Мамлакатимизда «Covid-19» инфекцияси аниқланиб, карантин жорий этилганидан сўнг, одамларнинг шароитини ҳисобга олган ҳолда МИБ томонидан энергия ресурсларидан қарздор истеъмолчилар тармоқдан узилмаяпти.

Аммо бу даврда ҳеч ким билмайди деб карантиндан усталик билан фойдаланмоқчи бўлганлар кўпайгани ачинарли ҳол, албатта. Хусусан, 15 мартдан 10 майгача Қашқадарё вилоятида электр ва газ тармоқларига ноқонуний уланган 231 та истеъмолчи аниқланиб, тармоқдан узилди. Шундан 214 киши электр ва 17 киши газ тармоғидан ноқонуний фойдаланган. Ҳуқуқбузарлар давлатга 248 млн. 7 минг сўм зарар етказган.

Халқимизнинг бошига оғир синовлар тушган бир пайтда уларнинг қилган ишини қандай оқлаш мумкин?

Сардор МАҲМУДОВ,

МИБ Қашқадарё вилояти бошқармаси катта инспектори



ЖАРИМА ҲАМ ҚАРЗ СИНГАРИ

МИБ Тошкент шаҳар бошқармаси туман бўлимларида йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси қарорларига асосан маъмурий жарима ундириш ҳақидаги ижро ҳужжатлари бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Жумладан, юртимиздаги карантин вазиятидан келиб чиқиб, биорнинг Чилонзор тумани бўлими ижроси таъминланди. Жарималар асосан хавфсизлик камарини тақмаслик, пидедалар йўлакчасидан ўтиш, қувиб ўтиш, одам ташини, автотранспортда уяли телефондан фойдаланиш, йўл белгилари, ҳаракатлинида тезлик қоидаларига риоя этмаслик, шунингдек, бошқа қоидабузарликлар юзасидан қўлланган.

Масалан, мазкур даврда ҳайдовчи О.К.дан йўл ҳаракати қоидаларини 10 марта бузгани учун 1 млн. 365 минг 60 сўм, А.Б.дан йўл ҳаракати қоидаларини 13 марта бузгани учун 2 млн. 331 минг 395 сўм ундирилди.

Апрель ойи давомида биорнинг Чилонзор тумани бўлими томонидан масофадан туриб амалга оширилган ижро ҳаракатлари натижасида ҳайдовчилар 1359 та қоидабузарлик бўйича жами 256 млн. 100 минг сўм маъмурий жарима тўлашган.

Абдумалик АБДУРАХМОНОВ,

МИБ Чилонзор тумани бўлими давлат ижросиси

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ!

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган инсон, прокуратура фахрийси Гулнора Ҳамраева табаррук 60 ёшни қарши олмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази

У прокуратура органлари тизимидаги меҳнат фаолияти давомида прокуратура органлари тизимида турли лавозимларда самарали хизмат қилиб, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида ҳурмат қозонди.

Бугун сафимизга кириб келаётган ёш

ҳуқуқшунос ходимлар уни амалий тажрибаси ва касб маҳорати сирларини сидқидилдан ўргатган тажрибали мураббий, меҳрибон устоз сифатида юксак қадрлайди.

Гулнора Ҳамраеванинг узок йиллик меҳнат фаолияти ҳуқуқимиз ва прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳолалиб, «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

Ҳурматли Гулнора Камаловна, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

ҚАЛБАКИ «ПРАВА»

Одам орзу-ҳавас билан яшайди. Асалнинг ҳам ози яхши деган гап бор донишманд халқимизда. Орзу-ҳавасга ҳаддан ортиқ берилиш, уларнинг рўёби учун чегарадан чиқиш яхшилиқ келтирмайди.

Ботир Салимовнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) агроинспекциянинг туман бўлимида техника ҳолати ва агротехника тадбирларни назорат қилиш шўъбаси катта инспектори лавозимида ишлаётганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Бу фурсат ичида Ботир вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси ҳузурдаги ўқув курслари давлат муассасасига тракторчи-машинист йўналишида таҳсил олувчиларни юбориб, муассаса директори Мўмин Тоҳиров билан таниш бўлиб қолди.

Бир кун Ботирнинг ёнига Нормат исмли йигит келиб, трактор бошқариш учун «права» олиш истагида эканини айтди.

— Трактор ҳайдаш учун ҳам «права» керак. Уч ой ўқиш керак. Агар харажати кўтарсангиз, ўқимасдан ҳам гувоҳнома олишингиз мумкин, — деди Ботир.

— Харажати қанча бўлади? — қизикди Нормат.

— Ҳамма ҳужжатларингизни тайёрлаб, 800 минг сўм берсангиз, мен ўзим қолганини тўғрилайман. Тез кунда «права» оласиз.

Нормат ўйлаб кўришни айтиб чиқиб кетди. Ҳар томонлама ўйлаб кўрган йигит-

га ўқимасдан ҳужжат олиш маъқул келди. Керакли ҳужжатларни тўғрилади, айтилган пулни олиб Ботирга учради.

Ботир ўн кунлар ичида ҳайдовчилик гувоҳномасини олиши мумкинлигини айтди.

— Ака, худди шундай гувоҳномадан яна битта керак эди, жиянимга, — деди Нормат.

Ботир «майли» деди, ҳужжатларини ва харажатини олиб келса, тайёрлаб беришини билдирди.

Бу ердан чиқиб Нормат унинг ноқонуний қилмишларига чек қўйишни ўйлади. ИИБга бориб, бўлиб ўтган ҳолатини баён қилди ва мобил телефонига ёзиб олган аудиоёзувни илова қилди.

Ўша кунлари Ботир Мўминга кўнгирак қилиб, вазиятни тушунтирди.

— Ўзи техникани яхши тушунади. Трактор ҳайдашни мукамал билади. Шу йигитга ўқиди деб гувоҳнома тайёрлаб беринг, — илтимос қилди Ботир.

Гарчи бундай ҳаракатлари қонунга зид эканини билса-да, директор рад этмади. Имтиҳон комиссияси аъзоси Даврон Шерматовни ҳам сохта гувоҳномага имзо қўйишга кўндирди. Норматнинг жиянини

таҳсил олувчи ўқувчилар рўйхатига кири-тиб қўйди.

Бир неча кундан кейин гувоҳномани Норматга топширди. Эвазига ундан 800 минг сўм пул олган Ботир ашёвий далил билан қўлга олинди.

Суд ҳукми билан Б.Салимов 3 йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ва 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди. М.Тоҳировга эса иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига олиб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ гузатиш ишлари жазоси тайинланди. Шунингдек у 2 йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди.

Д.Шерматов ҳам 2 йилга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинди. Унга иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ гузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Зафар ҲАМИДОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим АМИБ терговчиси



КАРАНТИНДАГИ МАИШАТ

Бугунги синовли кунларда мамлакатимизда қабул қилинаётган ҳар қандай ҳужжат фуқароларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш билан бирга, эпидемиологик вазиятни барқарорлаштиришга хизмат қилади. Мана шу асосда қилинаётган ишлар туфайли пандемия хавфи аста-секин чекинмоқда.

Бу ҳақида гапирар эканмиз, аввало тиббиёт, ички ишлар, миллий гвардия ва бошқа органлар ходимларининг беминнат хизматлари таҳсинга лойиқлигини таъкидлашимиз лозим. Чунки айнан ўша инсонлар ўз оиласи ва яқинларидан узоқда, ҳаётларини хатарга қўйиб ягона мақсад йўлида меҳнат қилишмоқда.

Афсуски, юртимиз шундай синовли кунларни бошидан кечираётган бир пайтда айрим кимсаларнинг карантин қоидаларига амал қилмаётгани кишини ўйлантириб қўяди.

Нукус шаҳрида яшовчи, 1980 йилда туғилган А.Абдираимов, 1988 йилда туғилган, икки фарзанднинг отаси Қ.Ешнйезов ва 1984 йилда туғилган, уч фарзанднинг онаси Ю.Сапаевалар (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам карантин талабларини менсимасдан қатор ҳуқуқбузарликларни содир этган.

Хусусан, улар 5 май кунини ўзлари ишлайдиган таълим муасса-

саси биносига А.Абдираимовнинг туғилган кунини яширинча нишонлашни режалаштиради. Туғилган кун эгаси муассаса хоналарининг бирида дастурхон ёзиб, уч кишилиқ зиёфат ташкиллаштиради. Спиртли ичимлик истеъмол қилиб, маст бўлиб қолган ҳамкасблар соат 23:00 да уйларига қайтмоқчи бўлади. Кўчага чиққанларидан кейин фуқароларнинг тинчини бузиб, шовкин кўтариб ҳаракатла-нишда давом этади.

Ички ишлар ходимлари тўхтатиб, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини сўраганида улар ҳуқуқ-тартибот ходимларининг қонуний талабига бўйсунмасдан, қаршилик кўрсатади, уларни ҳақорат қилиб, воқеа жойидан кетишга уринади. Аммо ҳуқуқбузарлар қанча ҳаракат қилишмасин, ниятларига ета олмайди ва ИИБга олиб келиниб, белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Ушбу ҳолат юзасидан тўпланган материаллар Нукус шаҳар маъмурий судида атрофилича кўриб чиқилди. Натижада А.Абдираимов, Қ.Ешнйезов ва Ю.Сапаеваларнинг ҳар бири қилмишига яраша маъмурий қамок ва жарима жазосига тортилди.

Амангелди САЛИЕВ,
Нукус шаҳар маъмурий суди раиси
Парахат ҲАБИБУЛЛАЕВ,
«Нуқуқ»

**КЕЛГУСИ
СОҶДА**

**ТАДБИРКОРНИНГ
ИШИГА ТЎСҚИНЛИК
ҚИЛГАН, УСТИГА-
УСТАК УНГА
ТАЗЙИҚ ЎТКАЗГАН
АМАЛДОРНИНГ
ҚИЛМИШINI ҚАНДАЙ
БАҲОЛАШ МУМКИН?**

HUQUQ
YURIDIK GAZETA
MUJASSIS:

**O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi**

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAYATI:
**Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV**

**TAHRIRIYAT
MANZILI:**
**Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.**
**Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53,
233-64-85**

www.huquq.uz
Info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariга qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin. «HUQUQ» materiallari ko'chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. **!** — tijorat materiallari.

Buyurtma v-4156.
18 695 nusxada bosildi.
Ong'oz bichirni A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **K.ASOQAROV**
Sahifalovchi: **S.SABAJOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etiladi.
Korxonada manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617
9 772010 761004

2021 йил 20-29 август кунлари Туркиянинг Конё шаҳрида ўтиши режалаштирилган V Ислом бирдамлик ўйинлари номаълум муддатга қолдирилди.

«ИНДАМАСЛАР ОЛАМИН САЙР АЙЛАДИМ»

«Мамлакатнинг аҳволини билай десанг, аввал бозорини, сўнг мазорини бориб кўр» деган ҳикмат бор. Дарҳақиқат, қабристонлар – ибрат маскани. Инсониятга ҳаёт ва ўлим нима эканлигини англайтиб турадиган манзил. Сукунат оғушидаги бу гўшага яқинлашган киши беихтиёр сукутга чўмади, бир зум дунё ташвишларини унутиб, вазмин хаёлларга бериллади.



Шоира Халима Аҳмедова ёзганидай:
*Ватан илдизлари ётибди бунда,
 Худого топириб энг ширин жонни.
 Тупроққа қўшилган баланд осмондай –
 Бошига кўтариб Ўзбекистонни.*

Турмуш ташвишлари билан бўлиб, ота-онамиз ва яқинларимиз қабридан ҳар доим ҳам хабар олавермаймиз, лекин майса-ю гўёҳлар ҳар доим хабардор. Зиёрат қилиш учун борсам, ота-онанинг қабри устида майсалар, чечаклар унибди. Демак, дунёдаги энг олий, энг онгли мавжудот саналмиш биз инсонлар меҳру оқибатни ана шу майса-ю гўёҳлардан ўрганишимиз керак экан-да...

«ШОДЛИГИНГ ОШСА – МОЗОР ОРАЛА...»

Аслида қабристонларни зиёрат қилиш суннат амаллардандир. Чунки пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) «Сизларга қабрлар зиёратини таққиллаган эдим. Мана энди қабрларни зиёрат этаверингиз, зеро, у сизларга охиратни эслатади», – деган (Имом Термизий ривояти). Халқ мақолида «Ғаминг ошса – дарё ёқала, шодлигинг ошса – мазор орала» дейишгани ҳам бежиз эмас. Демак, қабристонга борганда у ерда ётган марҳумларнинг аҳволини ўйлаб, ҳар ким ўзига ўғит ва ибрат олмоғи лозим. Зеро, кимдир эл-юрт учун савобли ишлар қилган бўлса, бу биз учун ибрат, кимдир ҳаётнинг қадрини билмай, одамларга фойдаси тегмай, озори етган бўлса, бу ҳам ибрат. Бирга ўхшашини, бирига эса умуман ўхшамаслики истайсиз... Бу инсонларни фикрлашга ундайди. Қабристон зиёрат қилинганда марҳумларнинг руҳига бағишлаб Куръон ўқилади, дуо қилинади. Бу уларнинг руҳига энгиллик беради.

Шариатда қабристонларни қаровсиз қолдирмаслик, обод қилиш савобли ишлардан саналади. Яқинингизнинг қабри ёнига гул ва дарахт эканингиз маъқул. Лекин мевали дарахт экиш, унинг мевасини истеъмол қилиш, қабристонда чорвани ўтлатиш мумкин эмас.

БУНДАЙ ҲАШАМАТДАН КИМГА НАФ?

Бундан 40-50 йил аввал ҳам ота-онанинг ёки бирор яқинининг қабрини адаштириб қўймаслик учун кичик тош ёхуд тахтага майитнинг исм-фамилияси, туғилган ва вафот этган йили ёзиб қўйилган.

Ҳозир-чи? Қабристонларга бориб, эътибор бериб қарасангиз, ўрғимчак тўри кўз олдингизга келади. Кўп қабрлар темир панжара билан ўралиб, қимматбаҳо тошлар ўрнатилган. Уларнинг устидаги ҳашамат ёки оддийликка қараб, бу қабр бой ёки камбағал кишига тегишли эканини билиб олиш қийин эмас.

Ўзига тўқ оилалар яқинларининг қабрига қимматбаҳо тош, безакли панжаралар ўрнатиши қанчадан-қанча одамларнинг ғашига тегиб, қалбида ўқинч хиссини уйғотишини улар билишармикан? Оғаси ёки онаси қабрига қиммат тош ва жимжимдор панжара ўрнатганидан қерилиб юрадиган йиғитлар ота-онаси ҳаётлигида бир оғиз ширин сўзга лойиқ кўрмагани, иккита иссиқ нон билан йўқламагани ҳақида эшитиб қоламиз. Тириклигида қадрланмаган одамларга бу дабдалар пойғасидан не наф?

Мукаддас динимиз мўътабар китобларининг бирор-тасида ҳам қабрга ортиқча харажат қилиш ҳақида ёзилмаган. Қабр устига белги учун оддий тош қўйиш жонз. Демак, бу харажатларнинг ҳаммаси исроф эканлиги маълум. Имконияти бор одамлар рамазон ойида ва айниқса пандемия туғайли қўпчилик карантинда ўтирганда шу кунларда имомлар ва маҳалла оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, орттирган маблағини камбағал оилалар, беморларга, мактабларни таъмирлашга, маҳалла ободончилигига сарфлаб, савобини марҳумларнинг руҳига бағишлашса, қиёматгача бардавом савобга муяссар бўлар эдилар.

Қабристон учун ер ажратиш масаласида етти ўлчаб, бир кесиш мақсадга мувофиқ. Мутахассислар билан бир қаторда маҳалла масъулари, диний идора вакиллари, оқсоқоллар билан бамаслаҳат иш тутилгани маъқул. Афсуски, айрим ҳудудларда ризқ манбаи бўлган ҳосилдор ёки тупроғи нобоб, сизот сувлари яқин ерлар ўйла-масдан қабристонлар учун ажратиб берилмоқда.

Япония, Хитой, Нидерландия каби бир қанча мамлакатларда ер танқислиги туғайли одамлар соҳилларга қозик қозик, устига уй қуриб яшайтгани, бошқа жойлардан тупроқ ташиб келтириб, экин-тикин қилишайтгани бизга сабоқ бўлиши лозим. Чехияда харбий хизматда бўлган танишимнинг ҳижоа қилишича, мазкур мамлакатда сим-ёғоч ўрнатиш учун ер қавланса ҳам, аввал ернинг устки

катламидаги унумдор тупроқ четга олиб қўйилиб, кейин бошқа тупроқлар қавланар ва жойини кўмишда эса олдин унумсиз, охирида унумдор тупроқ ташланар экан...

Бу мисоллардан хулоса чиқариб олишимиз керак.

ЗИЁРАТ САБОҒИ

Қабристонларни зиёрат қилган киши умр нақадар тез ўтишини, тирикликнинг ҳар соати ғаниматлигини, ҳеч ким абадий яшай олмамлигини, бутун кўриб турган одамимизни эртага кўра олмамлигимиз мумкинлигини англаб етади. Бу маскан эзгу ишлар қилишга шошилишимиз кераклигини, кимгадир ёрдамимизни бутун кўрсатиб, яхши ғанимизни бутун айтиб қолишимиз зарурлигини, эртага эса кеч бўлишини англайтиб туради.

Мамлакатимизда 9 май – Хотира ва қадрлаш куни сифатида нишонлана бошлагандан буён қабристонларни зиёрат қилиш ҳам одат тусини олди. Аслида зиёрат вақт танламоса-да, шу кунни юртдошларимиз яқин кишилари дафн этилган қабристонларга зиёратга боради. Дийдорлашиб, марҳумларни, уларнинг ибратли ишларини эслашди. Бунда инсоннинг маънавияти намоён бўлади, ҳаёт узвийлик касб этади, ёшларда қадриятларимизга хурмат туйғуси шаклланади.

Ўтганларнинг руҳларини шод этадиган савобли амаллар борасида Абу Хурайра (р.а.) ривоят қилган ҳадисда пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) шундай марҳамат қилади: «Агар инсон вафот этса, унинг амали тўхтаб қолади. Фақат уч нарсада тўхтамайди, яъни номаи аъмолига ёзиб борилади: 1. Садақан жория, яъни давом этувчи ва йўлга қўйилган садақа. 2. Манфаатли илм, яъни таълим берилган илм ва қолдирилган асар. 3. Ота-онасига дуо қилувчи солиҳ фарзанднинг орда қолдирилиши».

Ушбу муборак ҳадис орқали марҳумларнинг шод аъмолларига етиб борадиган, уларнинг руҳини шод этадиган амалларни билиб олдиқки, бу ҳадисга амал қилган ҳолда ўтганларимизнинг руҳини шод этиб яшашини Аллоҳ таоло ҳаммамизга насиб этсин!

Норбўта ГОЗИЕВ,
«Нидиқ»

АНТИҚА ЕЧИМ

Коронавирус пандемияси сабаб тўхтаб қолган футбол, аста-секин қайтмоқда. Бироқ мусобақалар томошабинларсиз ўтказилмоқда.



Ҳамюртимиз Икром Алибоев тўп сураётган «Сеул» клуби эса бу борада оригинал ечим топди ва ўриндикларга ўйинчоқ мухлисларни жойлаштириб чиқди. Ҳа, ушбу ўйинчоқ мухлисларнинг қўллаб-қувватлашлари эвазига кеча «Сеул» клуби ўз майдонида «Гвангю» жамоаси устидан 1:0 ҳисобидаги ғалабага эришди. Оббо тиниб-тинчимасан одамлар-эй, нималарни ўйлаб топишмайди-я!!!